

РАМАЗОН –

гуноҳлардан тийилиш ойи

Рамазон – гуноҳлардан тийилиш ойи. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай баён қилганлар: **“Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг ейиш-ичишни тарк қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ”** (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадисда Пайғамбаримиз алайҳиссалом рўза тутган одам ёлғон гапиришдан сақланиши лозимлигини таъкидламоқда. Уламоларимиз ҳадисда зикр қилинган “ёлғон сўз”нинг остига ғийбат, бўҳтон, чақимчилик, сўкиш, ҳақорат каби тил офатлари ҳам киради, дейишган. “Унга амал қилиш” деганда эса, шариатга хилоф бўлган барча гуноҳ ишлар тушунилади.

Айрим кишилар рўза тутиб, ёлғон гапирдилар, иғво, бўҳтон, ғийбат қиладилар, турли ёмон ишлардан ўзларини тиймайдилар. Бундай кишилар рўзанинг фойдасидан, савобидан маҳрум бўлади. Минг афсуски, уларга рўза тутишларидан фақат оч қолганлари қолади, холос.

Ким рўзадан тўла манфаат олмоқчи, савобига тўлиқ эришмоқчи бўлса, ўзини ейиш-ичишдан ташқари беҳуда, бўлмағур гап-сўз ва амаллардан ҳам тиймоғи лозим.

Мусулмон киши ҳар доим гуноҳ қилишдан, жумладан, тил орқали бўладиган, ёлғон, бўҳтон, ғийбат, чақимчилик каби гуноҳларни содир қилишдан сақланиши лозим.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу ривоят қилади. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Рўза қалқондир** (Абу Заннад шу лафзни шарҳлаб: жаҳаннамдан қалқондир, деган). **Сизлардан ким Рамазонда рўза тутса, фаҳш сўзларни сўзламасин, баланд овозда бақирмасин. Агар уни бирор киши сўкса ёки у билан уришмоқчи бўлса, икки марта: Мен рўзадорман, мен рўзадорман, десин”**, дедилар» (Имом Бухорий ривояти).

Бу ҳадисда рўза тутган киши ҳар хил бемаъни сўзларни гапириши ва бақирчақир қилиб одамларга азият беришдан қайтариляпти. Шунингдек, бошқа киши томонидан унга шу каби гуноҳ ишлар содир бўлса ҳам, бунга сабр қилиб, рўзадор эканини эслатиб қўйиши тавсия этилмоқда. Бундан кўринадики, рўзадор киши ҳар қандай ҳолатда ҳам гуноҳ қилишдан ўзини асраши лозим.

Ибн Хузайма розийаллоҳу анҳу ривоят қилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Агар сен рўзадор бўлсанг, бирор кишини сўкмагин, агар сени бирор киши сўкса, мен рўзадорман, деб айтгин. Агар турган бўлсанг, ўтириб ол, ғазабинг кетмади”**. Бошқа ривоятда ўтирганингда ҳам кетмаса, таҳорат қилгин ва икки ракат намоз ўқигин, дейилган (Имом Бухорий ривояти).

Салафи солиҳларнинг сўзлари мулоим, гаплари зикр, назарлари ибрат, жим туришлари тафаккур эди. Қаҳҳор сифатли Зотга дуч келишидан қўрққан инсон тилидан зикр ва шукр тушмайди, беҳаё, уятсиз, ахлоқсиз ва лағв сўзлардан тийилади. Шунинг учун Ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу: **“Ер юзидан сақлаш (энг) зарур бўлган нарса тилдир”**, деган. Тақводор зотлар гапирмоқчи бўлсалар, сўзлари ортидан келадиган машаққатини ўйлаб сукут сақлаганлар. Бошқаларга озор беришдан эҳтиёт бўлганлар.

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кимнинг тили ва қўлидан мусулмонлар саломат бўлса, у комил мўминдир”**, дедилар» (Имом Муслим ривояти). Бу ҳадисдан инсон камолотга етиши ва айниқса, рўзадор тутаётган рўзасини қабул бўлиши учун тил, қўл ва барча аъзолар билан озор беришдан сақланиши лозим.

Қобилжон ИСҲОҚОВ,
Андижон шаҳар “Шаҳидтепа” жоме
масжиди имом-хатиби



Расулуллоҳни севиш иймондандир

Анас розийаллоҳу анҳу ривоят қилади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“Жоним измида бўлган Зотга қасам, сизлардан бирор киши, мен унга отаси, боласи ва барча одамлардан сеvimли бўлмағунимча, у мўмин бўла олмайди”*, дедилар (Имом Бухорий ривояти).

“Бу ҳадисда қандай муҳаббат назарда тутилган, табиий ёки ихтиёрий?” деган савол туғилса, жавоби бундай: «Табиий муҳаббат кишининг ихтиёрида бўлмайди. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ойша онамизни бошқалардан кўпроқ яхши кўрганлар. Оналаримиз хусусида: *“Ё Аллоҳ, бу менинг қодир бўлганим нарсадаги тақсимотим. Сен Ўзинг эғалик қилган ва мен эғалик қилолмайдиган нарсада мени маломат қилма”*, деганлар (Имом Термизий ривояти).

Ҳадисда ихтиёрий муҳаббат ирода қилинган. Ихтиёрий муҳаббатни инсон касб қила олади. Яъни, инсон тафаккур ва тадаббур қилиб, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг барчадан кўра муҳаббат ва таъзимга лойиқ эканларини билади».

Абдуллоҳ ибн Ҳишом розийаллоҳу анҳу ривоят қилади. «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар ибн Хаттоб розийаллоҳу анҳунинг қўлидан тутиб турганларида, у киши: *“Ё Расулуллоҳ, сизни барча нарсадан яхши кўраман. Фақат ўзимдан кўра яхши кўролмаяман”*, деди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“Йўқ, жоним измида бўл-*

ган Зот ҳаққи, ўзингдан ҳам яхшироқ кўрмағунингча мўмин бўлолмайсан”, дедилар. Умар розийаллоҳу анҳу: *“Аллоҳга қасам, энди сизни ўзимдан ҳам яхшироқ кўрдим”*, деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *“Ана энди бўлди, эй Умар”*, деб марҳамат қилдилар (Имом Бухорий ривояти).

Ашраф Али Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳ ҳадисни бундай шарҳлайди: «Ҳадисда ихтиёрий муҳаббат назарда тутилган. Чунки табиий муҳаббат инсоннинг ўзига боғлиқ эмас. Ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳунинг: *“Фақат ўзимдан кўра яхши кўролмаяман”* деганидан ихтиёрий муҳаббат эмас, балки табиий муҳаббат англашилмоқда.

Шунда Набий алайҳиссалом сўзларидаги муҳаббатдан эса табиий муҳаббат эмас, балки ихтиёрий муҳаббат ирода қилингани тушунилади. Ҳазрат Умар розийаллоҳу анҳу Набий алайҳиссаломга: *“Аллоҳга қасам, энди ўзимдан ҳам яхшироқ кўрдим”* дер экан, динда лозим бўлган муҳаббатдан мурод ихтиёрий муҳаббат эканини билиб, уни изҳор этди ва Пайғамбаримиз алайҳиссалом: *“Ана энди бўлди, эй Умар”*, дедилар. Яъни: *“Тўғри, сен энди тушундинг. Ихтиёрий муҳаббат бўлиши лозим”*, дедилар».

Манбалар асосида
Имом Бухорий номидаги
Тошкент ислом институти талабаси
Моҳигул АНВАРОВА
тайёрлади.

Мундарижа



Убудият

Рамазон – гуноҳлардан тийилиш ойи 1

Таянч нуқта

Расулulloҳни севиш иймондандир 2

Тафсир

Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар 4

Долзарб мавзу

Биламиз-у, аммо идрок қилмаймиз 6

Улуғларимиз

Мири Хурд Вобкандий 7

Саҳобалар ҳаёти

Сахро ўғлони 8

Ҳадис шарҳи

Фақат тупроқ тўйдиради... 10

Эслатма

Умр – ғанимат 11

Рўза ҳикматлари

Жисму жонимизга малҳам 12

Огоҳлик – давр талаби

Ёт ғоялардан ҳимоялаш
ота-онанинг вазифаси 13

Тарихга назар

Жадидларнинг хизматлари 14

Яхшилар ёди

Иккинчи умр 15

Масала

Сўраган эдингиз... 16

Одавийлик меҳвари

Саховат ва ҳиммат 17

Динимизни ўрганамиз

Басмала – алоҳида оят 18

Йилнома

Рамазонда бўлган муҳим воқеалар 19

Дунёдан дараклар

Ислом ва олам 20

Тадқиқот

“Шифоул илал” рисоласи 22

Шеърият

Умр мавсуми ўтди
илғамас тушдек... 24

Қуръон қиссалари

Уйдирма ҳодисаси 26

Ўғит

Сезилмайдиган жазо 27

Ислом – ҳақ дин

Осмоннинг ҳам дарвозаси бор 28

Ислом тамаддуни тарихидан

“Нуриддин” шифохонаси 29

Саодат асрига саёҳат

Бадр ғазоти 30

Минтақа

Грузия
муслмонлари 32



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ
يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْخَمْرُ وَالْمَيْسِرُ وَالْأَنْصَابُ وَالْأَزْلَامُ رِجْسٌ مِنْ عَمَلِ
الشَّيْطَانِ فَاجْتَنِبُوهُ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٩٠﴾

Аллоҳ ҳаром қилган нарсалар

“Эй имон келтирганлар! Албатта, май (маст қилувчи ичимликлар), қимор, бут-санамлар ва (фол очадиган) чўплар шайтоннинг ишидан иборат ифлосликдирки, улардан четланингиз! Шояд (шунда) нажот топсангиз” (Моида сураси, 90-оят).

Ушбу оятда мўминларга бир неча нарсалар ҳаром қилиняпти. Жумладан:

Хамр

Араб тилида “хамр” сўзи “тўсиш”, “беркитиш” маъноларини англатади. Истеъмол қилган кишининг ақлига таъсир этадиган, унинг ақлини тўсадиган, кўзини беркитадиган, бошқача айтганда, маст қиладиган ҳар бир нарсага “хамр” дейилади.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳумо Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадиси шарифда: **“Ҳар бир маст қилувчи нарса хамрдир ва ҳар бир хамр ҳаромдир”**, дейилган (Имом Муслим, Имом Насоий, Имом Ибн Можа ва Имом Аҳмад ривояти).

Қимор

“Қимор” аслида арабча сўз, аммо оятда айнан “қимор” сўзи эмас, балки унинг синоними **“майсир”** сўзи келган. Бу эса осонлик билан мол топиш маъносини билдиради. Яъни, қиморнинг ҳақиқий маъносига далолат қилади.

Бутлар

Бутлар жоҳилият даврида мушриклар ибодат қилиб, ўз жонлиқларини уларга атаб сўядиган тошдан бўлган санамлардир. Аллоҳ таоло бу ерда иймон келтирганларни ширк амалдан қайтармоқда.

Фол очадиган чўплар

Чўплар билан фол очиш жоҳилият даври арабларига хос одатлардан эди. Уларнинг бирига “Қил”, иккинчисига: “Қилма” деб ёзилар, учинчисига ҳеч нарса ёзилмасди. Агар улар турмуш қурмоқчи, сафарга чиқмоқчи ёки бирон муҳимроқ ишни бошламоқчи бўлсалар, шу йўл билан ўз “бахт”ларини синаб кўриб, фол очишарди. Агар уларга биринчи ёзув, яъни “қил” деган ёзув чиқса, улар ўша ишни қатъий қарор билан амалга оширар, агар иккинчиси чиқса, уни бутунлай тарк қилар, учинчиси чиқса, қайтадан фол очар эдилар. Бу нарса ғайбни даъво қилиш ва қоҳинлик ишларидан саналгани боис қатъий ман этилган.



Аллоҳ таоло бу оятларда хамр, қимор, бут-санамларга ибодат қилиш ва фолбинлик билан шуғулланишни жамлаб зикр қилмоқда. Зеро, улар зарар жиҳатидан бир-бирига яқиндир. Яъни, хамр ва қимор, бут-санамларга талпиниш ва фолбинлик, ҳаромлик жиҳатидан ҳам, гуноҳ жиҳатидан ҳам бир-бирига тенгдир.

Эътибор қилсангиз, Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил этар экан, унда хамр ичиш ва қимор ўйнаш каби гуноҳи кабираларни бутга чўқиниш ва фолбинга ишониш каби куфр ҳамда ширкка олиб боровчи гуноҳлар билан баробар зикр қилмоқда.



Воҳидийнинг “Асбобун нузул” китобида келтирилишича, Абу Майсара айтади: «Умар ибн Хаттоб: “Эй Аллоҳ, хамр (ароқ) ҳақида бизга баён қилиб бер”, дедилар. Шунда Бақара сурасидаги **“Сиздан май ва қимор ҳақида сўрайдилар...”** ояти нозил бўлди. Умарга ушбу оят ўқиб берилди. У яна: “Эй Аллоҳ! Ароқ ҳақида бизга қатъий ҳукмингни нозил эт”, деди. Шунда Нисо сурасидаги **“Эй мўминлар! Маст ҳолда намозга яқинлашманг...”** ояти нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жарчилари намоз вақти бўлса, “Маст одам намозга яқинлашмасин!” деб нидо қилар эди. Умар чақирилиб, бу оят ҳам унга ўқиб берилди. У яна: “Эй Аллоҳ, бизга ароқ ҳақида узил-кесил баён қилиб бер!” деди. Шунда ушбу оятлар нозил бўлди. Саҳобалар яна Умар розийаллоҳу анҳуни чақиришиб, унга оятни ўқиб бе-

ришди. **“...бас, энди тийиларсизлар?! ”** оятига етганида, Умар: “Тийилдик”, деди».

Баро ибн Озиб розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан баъзилари ароқ ичиб вафот этишди. Энди ароқ ҳаром қилинган, баъзи одамлар: “Биродарларимиз қандай бўлишаркан? Улар ароқ ичишарди. Ўша ҳолларида вафот этишди? Шунда **“...сўнгра** (май ва қимордан) **сақланиб**, (ҳаромни ҳаром деб) **иймон келтирсалар, сўнгра** (барча ҳаром ва шубҳалардан) **сақланиб**, (одамларга) **эзгулик қилсалар, олдин еб-ичган** (ҳаром) **нарсаларида гуноҳ йўқдир**” ояти нозил бўлди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо: “Уларнинг фойдаси ҳаром бўлмасидан олдин эди, гуноҳи эса, ҳаром бўлганидан кейиндир”, деганлар (Ибн Жарир ва Ибн Абу Ҳотим ривояти).

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо: «Моида сурасидаги **“Сиздан май ва қимор ҳақида сўрайдилар...”** оятини хамрнинг ҳаромлиги ҳақидаги оятлар насх қилган», деганлар (Ибн Абу Ҳотим ва Имом Байҳақий ривояти).

“Тафсирул Алусий”да келтирилишича, Аббос ибн Мирдосга жоҳилият даврида: “Хамр ичмайсанми? Зеро, у ҳароратингни кўтаради, иш фаолиятингни яхшилайдиган” дейилганида, у: “Мен ўз қўлим билан жоҳилликни ичимга киргизмоқчи эмасман. Шунингдек, қавмнинг бошлиғи бўлиб тонг оттириб, уларнинг энг тентаги сифатида кунни кеч қилишни хоҳламайман”, деб жавоб беради.

Абу Мусо розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мен ва Муоз ибн Жабални Яманга юбордилар. Мен: “Ё Расулуллоҳ! Бизнинг юртларда арпадан қилинадиган “мизр” ва асалдан тайёрланадиган “битъ” номли (маст қилувчи) ичимликлар бор”, дедим. У зот: **“Ҳар бир маст қилувчи нарса ҳаромдир”**, дедилар» (Имом Муслим ва Имом Аҳмад ривояти).

Абдулҳай ТУРСУН,

Наманган вилояти бош имом-хатиби

Биламиз-у, аммо идрок қилмаймиз

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Унда покланишни яхши кўрадиган эрлар бор. Аллоҳ покланувчиларни яхши кўради”,** (Тавба сураси, 108-оят).

Ушбу ояти каримадан инсонлар пок яшамоғи, атроф-муҳитни покиза тутмоғи аён бўлади. Озода яшаш заруратини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп бор таъкидлаганлар: **“Албатта, Аллоҳ покдир, покликни яхши кўради, тозадир, тозаликни яхши кўради...”** (Имом Термизий ривояти).

“Lancet” журналида ёзилишича, ҳаво ифлослангани оқибатида турли касалликка чалиниб вафот этган инсонларнинг сони дунё бўйича ўлим ҳолатининг 16 фоизини ташкил қилган. Бу кўрсаткич ОИТС, сил ва безгак ҳамда урушларда ўлганлар қўшиб ҳисобланса, улардан ҳам кўп экан.

Илгарироқ Европа атроф-муҳит агентлиги ҳаво ифлослиги йилига юз минглаб европаликларнинг эрта ўлимига сабаб бўлаётганини маълум қилган эди.

Бу маълумотлар дунё миқёсида эди. Хўш, бизнинг юртимизда нима гаплар?

Бултур кузда ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплагани ёдингизда. Буни кўриб, аввалига туман деб ўйлагандик, кейин қарасак, нафас олишимиз қийинлашди. Чангми, нима бало деб ҳамма дарров эшик-ромларини маҳкамлаб ёпди. Аммо ўша чанг зич ёпилган ромлардан ҳам ўтиб, хоналаримизни ғуборга тўлдирди. Нега бундай бўлди деб қизиқиб бошласак, шаҳримизнинг ҳавоси ифлосланиш бўйича дунёда энг олдинги ўринларга чиқиб кетибди.

Ўтган йилнинг 17 октябрь оқшомида Тошкент шаҳри ҳавонинг ифлослиги бўйича IQAir рейтингида Деҳлини ҳам ортда қолдириб, дунёда 1-ўринга чиқди.

Қишда кўп қор ёғиб, қаттиқ совуқ бўлди. Ўшанда диққат қилиб қараганлар кўргандир, ерга тўшалган қорнинг усти ҳам чанг эди. Шу кунларда ёғадиган ёмғирларни ҳам кузатсангиз, уларнинг ҳам тиниқ эмаслигини кўрасиз.

Бу муаммолар дарахтларга қирғин келтириш, пала-партиш қурилишлар ва сифатли жамоат транспорти йўқлиги боис шаҳарда шахсий автомобиллар ҳаракати ортиб бораётгани сабабли юз бермоқда. Демак, биз шу вақтга қадар сира хаёлимизга келтирмаган муаммо билан дучлашиб турибмиз. Ҳаво ифлосланиши билан боғлиқ ҳолат фақат узоқлардаги давлатларнинг эмас, бизнинг ҳам муаммомиз экан.

Лекин биз экологик муаммоларнинг қанчалар жиддийлигини билганимиз билан ҳали ҳам тўлақонли идрок этаётганимиз йўқ. Натижада ҳар йили миллионлаб дарахт кўчатларини шунчаки қадаб қўйиб, билатуриб исроф қилмоқдамиз, оқибатини билган ҳолда оқар сувларга ҳатто кимёвий чиқиндиларни ҳам ташлаб юборяпмиз... Оқибатда турли касалликлар кўпайиб боряпти.

Ана шундай кўрсаткичлар шояд одамларни атроф-муҳитга нисбатан эҳтиёт-корона муносабатда бўлишга ундаса, бунда ахир келгуси авлодларимиз ҳақида сўз боряпти. Қайси киши фарзандининг ногирон бўлиб қолиб, оғир дард остида ҳаёт кечиришини истайди, қайси давлат халқининг ногиронлар жамиятидан иборат бўлишига рози бўлади?!

Мансур ЎРОЛОВ,

Тошкент шаҳри “Нўғайқўрғон” масжиди
имом-хатиби

Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий ҳазратларининг яқин шогирди ва халифаси бўлган, “Мири Хурд Вобкандий” номи билан танилган бу зотнинг исми Амир Ҳусайн Хожа бўлиб, у ўз даврининг етук олимларидан саналган. Акаси Амир Ҳасан “Мири Калон” номи билан машҳур бўлган. У ҳам Фағнавийнинг муридларидан бўлган эса-да, халифалик Мири Хурдга берилган.

ўша мадрасада Мулло Муҳаммад Балхий яшаган. Чунки мадрасада султоний хоналар бўлиб, яшашга жойи йўқ, ночор мударис ва талабаларга берилган.

Таассуфки, мустабид тузум даврида бу масканнинг ҳам аксар қисми бузилиб кетди. Отахонларимизнинг айтишича, мозорнинг тенг ярмидан катта йўл ўтказилган, йўлнинг ўнг томонида Мири Хурд, чап томонида

Мири Хурд Вобкандий

Али Сафий “Рашаҳот” асарида Мири Хурд Вобкандийни Анжир Фағнавийнинг биринчи халифаси, Хожа Али Ромитанийни эса, иккинчи халифа сифатида келтиради.

Мири Хурднинг кўплаб муридлари бўлса-да, вақти етганида у халифаликни Хожа Али Арғундонийга топширган. Амир Ҳусайннинг ҳаёти ҳақида маноқибларда турли нақллар бор. Жумладан, “Мақомоти Саййид Амир Хурд Вобкандий”да бундай келтирилади: “Бир сафар баҳор фаслида ҳеч ёмғир ёғмади. Бухоро аҳолиси, Амир Ҳусайннинг муридлари Аллоҳдан ёмғир сўраб дуо қилишини ундан илтимос қилишди. Мири Хурд таҳорат олиб, жамоат билан дала жойга чиқди ва истиско намозини ўқигач, дуо қилди. Аллоҳнинг иродаси билан ҳеч қанча вақт ўтмай, ёмғир ёға бошлади. Уч кеча-кундуз тинмади...”

“Ҳазинатул асфиё” китобида келтирилишича, Мири Хурд ҳижрий 719 (милодий 1319) йили вафот этган. “Рашаҳот” ва Носириддин Тўранинг “Тухфатул зоирин” асарида ёзилишича, унинг қабри Маҳмуд Анжир Фағнавий мақбараси супасида. Аммо тарихий ҳужжатларга таянганда, Мири Хурд ва Мири Калоннинг мақбараси Вобкент қалъаси ташқарисида деган хулосага келиш мумкин. Илгари бу ерда “Савр” масжиди, намозгоҳ, “Мадрасаи нав” ва кутубхона бўлган. Мадрасада бошқа юртлардан келган талабалар ҳам таҳсил олишган. 1875 йилда Амир Музаффарнинг қози Муҳйиддинга юборган хатига асослансак,



Мири Калон қабри қолган. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига келиб эса, мазорлар ҳам текисланиб, ўрнида кутубхона, шифохона, мактаб, ҳаммом каби иншоотлар қурилган.

Шундай бўлса-да, тарихга назар солсак, юртимиздан етишиб чиққан аллома ва авлиёларни халқимиз эъзозлаб келган. Жумладан, Вобкент аҳли орасида 700 йилдан буён Мири Хурд Вобкандий ва Мири Калонга алоҳида эҳтиром сақланиб келади. Масжидимиз улуғ аллома номи билан аталгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Қурбон ШУКРУЛЛОЕВ,
Вобкент тумани “Мири Хурд Вобкандий”
жоме масжиди имом-хатиби

Сахро ўғлони

Саҳройи бадавий араблар орасида журъат, шижоат ва дов-юракликда Рофеъ ибн Умайрдан қолишмайдиган мард ўғлонлар бор эди. Лекин улар орасида сахро сирларини яхши билиш-да унга етадигани йўқ эди.

Рофеъ ибн Умайр Расулуллоҳ алайҳис-саломнинг танланган жамоаси билан бир неча кун ҳамроҳ бўлди. Рофеъ уларнинг гўзал хулқлари, юксак хислатлари ва ажойиб сийратларидан таъсирланди. У ҳазрат Абу Бакрнинг олдида бориб, бундай деди:

– Эй яхши ҳамроҳ, эътибор билан кузатиб, шерикларинг орасидан сени танладим. Менга шундай насиҳат қилгинки, уни эсга олганим заҳоти сизлардан бўлай...

Ҳазрат Абу Бакр деди:

– Беш бармоғингни ёдингда сақлай оласанми?!

– Ҳа.

– Сен уларни бирма-бир сана: биринчиси “Ла илāха иллаллоҳу ва анна Муҳаммадан абдуҳу ва Росулӯҳ”. Иккинчиси, намозни қилмайсан. Учинчиси, агар молинг нисобга етса, закот берасан. Тўртинчиси, Рамазон ойи рўзасини тутасан. Бешинчиси,

агар қодир бўлсанг, Байтуллоҳни ҳаж қиласан. Эслаб қолдингми?

Рофеъ:

– Ҳа, – деди ва такрорлаб берди.

Ўша кундан бошлаб “Сахро қароқчиси” деган ном билан танилган Рофеъ ибн Умайр ўз ҳаётидаги қора саҳифани қайта очилмайдиган қилиб ёпди. Ўрнига иймон нури билан ёришган бошқа саҳифа очди.

* * *

Мусулмонлар халифаси ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ Шом шаҳридан Румга лашкар юборди. Бу қўшин Аллоҳга ибодатни тарғиб қилиб Ҳимс шаҳригача борди.

Румликлар мусулмонлар қўшинини назарга илмаганди. Кетма-кет мағлуб бўлиб, лашкарини бутунлай бой бериш хавфи юзага келганда, талвасага тушиб, Антакия аҳлига қўшин йиға бошлади. Икки юз эллик мингдан зиёд душман лашкари мусулмонлар томон юрди.

Холид ибн Валид халифанинг буйруғига жавобан мусулмон баҳодирларидан ўн минг лашкар билан Ислон лашкарига ёрдам бериш учун Шомдан йўлга чиқди. Улар орасида Рофеъ ҳам бор эди. Холид ибн Валид қисқа муддатда лашкарни Сурияга етказиб боришдек машаққатли вазифани уддалаши керак эди.

Холид тез фурсатда мусулмонлар қўшинига бориб қўшилиш учун ким йўл кўрсата олади, деб сўради.

Шунда Рофеъ ибн Умайр:

– Сахрони кесиб чиқсак, қарабсизки, мусулмон қўшинига Шом диёри ўртасидаги Химсинг орқасидан етишамиз, – деди.

Холид:

– Бизда йигирма минг киши ва улов бор. Бу сувсиз сахрода уларни қандай сероб қиламиз? – деб сўради.

Рофеъ:

– Модомики Аллоҳ биз билан экан, мен бу ишга кафилман, – деди.

Холид қўшиндаги пешқадам ва теран фикрли одамлардан маслаҳат сўради. Улар бир овоздан: “Эй амир, асло бундай ишга рози бўлманг. Чунки бу йўлни беш кечакундузда босиб ўтиб бўлмайди. Сувсиз бепоён сахродан уловли кишининг якка ўзи ўтиб олиши амримаҳол-у, катта қўшинни ку қўяверинг. Бас, ўзингизни ҳам, мусулмонлар жонини ҳам ҳалокатга ташламанг”, дейишди.

Бошқа чораси қолмагани боис Холид: “Эй мусулмонлар жамоаси, ҳаргиз йўлларинг айро тушмасин, руҳингизни туширманг. Модомики, Раббиси ёрдамидан мусулмон кишининг кўнгли тўқ экан, ишнинг охири хайрдир. Қолаверса, сахро ўғлони Рофеъни билмайдиган киши йўқ. Аллоҳга қасам, бундан ўзга иложимиз ҳам йўқ. Расулulloҳнинг халифаси амрини тезда адо этиб, биродарларимизга кўмак беришимиз керак”, деди. Сўнг Рофеъга юзланиб, ишни нимадан бошлаш кераклигини сўради:

– Эй амир, менга яқинда сув ичмаган йигирма бош семиз туя беринг, – деди.

Роса чанқатилган туялар тўйгунича суғорилди. Сўнг кавш қайтармаслиги учун оғизлари боғлаб ташланди. Ўша туялар устига кўтарганича сув юкланди. Туяларнинг қорни ҳам, усти ҳам сув билан тўлди.

Қўшин йўлга тушди. Рофеъ шахдам йўл бошлар, бирор манзилга етганларида, туялардан бир қанчасини сўяр, қорнидаги

сувини отларга ичираб, устларига ортилган сувни эса лашкар ичарди. Қўшин мўлжалдаги бешинчи қўнимга етганда сувлари тугади. Энди Рофеъ зиммасида сув топиш вазифаси бор эди...

Шундай пайтда Аллоҳ Рофеъни кўз оғриғига гирифтор этди. Унинг кўзлари шишиб, ҳеч нарсани кўрмай қолди. Холид унинг олдида келиб: “Шўринг курғур, Рофеъ, энди нима қиламиз?” деди.

Шунда у: “Қаршингиздан худди икки сийнага ўхшаш тоғ чиқмадими?” деб сўради. Холид чор-атрофга қараб, у таърифлаган тоғни кўрди ва хурсанд бўлиб кетди. Рофеъ икки тоғ ўртасида фалон сифатли бутасимон кичик авсаж дарахтини излаб топиш кераклигини айтди. Дарахтни топиш осон бўлмади. Қаричма-қарич излаб, зўрға топишди. Дарахт илдизи ковлангач, тиниқ чучук сув чиқди. Такбир ва таҳлиллар янгради. Рофеъни кучоқлаб, муборакбод этишди. Шунда Рофеъ: “Алҳамдулиллаҳ! Аллоҳга қасам, мен бу ердан ўттиз йилдан олдин ўтганман. Ўшандан бери бу ерларга келмаган эдим”, деди.

Кутилмаганда ёрдамчи кучлар келиб, бирлашган қўшин Ярмук ғазотига киришди. Бу ғазот туфайли Ислом янада шарафланди. Бу Ислом тарихидаги ҳал қилувчи катта жанглардан бири эди.

* * *

“Сахро қароқчиси” лақаби билан машҳур бўлган Рофеъ ибн Умайр қандай қилиб “Рофеъул хайр” бўлиб қолганини билиб олдингиз. Унинг бу лақабга сазовор бўлишига камбағалларга қилган кўп яхшиликлари, мухтожларга беғараз ғамхўрлиги ҳам сабаб бўлди. У жон-жаҳди билан уч масжид аҳлини қўл меҳнати, пешона тери билан топган нафақаси эвазига овқатлантиришга ҳаракат қиларди. Ўзининг эса, битта кийими бўларди, холос. Лекин дунёга қаноат кўзи билан қарарди. Ўша биргина кийимда масжидга чиқарди. Дунёдан зоҳидона яшаб ўтди.

Манбалар асосида
Бобомурод ЭРАЛИ тайёрлади.

Фақат тупроқ тўйдиради...

عن ابن عباس رضي الله
عنهما، سمعت النبي صلى
الله عليه وسلم يقول: «لو
كان لابن آدم واديان من مال
لابتغى ثالثا ولا يملأ جوف ابن
آدم إلا التراب ويتوب الله على
من تاب» (رواه البخاري)

Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумо ривоят қилади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: **“Агар одам боласининг икки водий моли бўлса, албатта, учинчиси бўлишини хоҳлайди. Одам боласининг қорнини фақат тупроқ тўйдиради. Аллоҳ таоло тавба қилганларнинг тавбасини қабул қилади”**» (Имом Бухорий ривояти).

Нафсининг энг кучли майлидан бири мол-мулкка эгалик қилишдир. Агар бу майл ўз ҳолича ташлаб қўйилса, инсон қутурган ҳайвондек бўлиб қолади.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом ба-лоғатли ибора орқали нафсни муолажа қилишни таълим бериб, умматларини қаноат ва розиликка ундамоқдалар. Шаҳвати ғолиб келган кишига тавба эшикларини очмоқдалар.

“Агар одам боласининг икки водий моли бўлса”. Бошқа бир ривоятда **“тилладан”**, яна бирида: **“тилла ва кумушдан”**, дейилган. **“Албатта, учинчиси бўлишини хоҳлайди”.** Инсон очкўзлиги боис нафсининг ортидан бораверади. Молга ҳирс қўйиб, уни кўпайтиришга ошиқаверади. Бу ҳолатдан уни фақат ўлим олиб чиқа олади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Ва Аллоҳ сенга берган нарса билан охиратни излагин, бу дунёдаги насибангни ҳам унутма...”** (Қасос сураси, 77-оят).

Мазкур ҳадисни Ислом дини кишиларни фақирликка чақиради, бойликларини қўлга киритишдан қайтаради, деб тушунмаслик керак. Аксинча, Ислом дини яхши ҳаёт кечиришга чорлайди. Қолоқ, дангаса одамга танбеҳ беради. Ҳадисда бундай келади: **“Юқори қўл наст қўлдан яхшироқдир”** (яъни берувчи қўл олувчи қўлдан устундир). Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Бас, намоз тугагандан сўнг Ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг...”** (Жума сураси, 10-оят).

Ислом дини мусулмонларни дунё хоҳишларини ўзларининг энг улуғ мақ-

садлари қилиб олишларидан қайтаради, холос. **“Ва меросни шиддат-ла ейсизлар. Ва молни кўп яхши кўрасизлар”** (Фажр сураси, 19–20-оятлар). Мол-дунёга ҳирс қўйиш уни ҳаром йўл билан топишга бошламаслиги керак.

Аллоҳ таоло ушбу сўзида қуйидагича баён қилади: **“Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан ризқ хоҳламайман ва Мени овқатлантиришларини ҳам хоҳламасман. Албатта, Аллоҳ Ўзи ризқ берувчи, қувват эгаси, шиддатлидир”** (Зориёт сураси, 56–58-оятлар). Бу ояти карималар инсониятни қаноат ва розиликка тарғиб этади.

“Одам боласининг қорнини фақат турпоқ тўйдиради”. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **“Турпоқдан яралганлар фақат турпоқ билан тўйинади”**, демоқдалар. Имом Кармоний раҳимахуллоҳ бундай дейди: “Бу ҳадисда инсон: “Токи оламдан ўтмагунича бу дунёга тўймайди”, дейилмоқда.

“Аллоҳ тавба қилганларнинг тавбасини қабул қилади”. Яъни: “Молни яхши кўриш инсондаги табиий истакдир. Ким нафсига қул бўлиб, сўнгра огоҳланса ва Раббисига қайтса, тавба қилса, ана шунда Парвардигорнинг одамларга ўзларига яраша, ҳаётини ишларига ёрдам берадиган миқдорда ризқ беришини тушуниб олади ва ризқига рози бўлиб, қаноат қилади. Парвардигор унинг гуноҳини кечирилади ва айбини яширади”. Аллоҳ таоло бундай огоҳлантиради: **“Агар Аллоҳ бандаларига ризқини кенг қилиб қўйса, албатта, улар ер юзидан ҳаддан ошиб кетурлар, лекин У Ўзи хоҳлаган ўлчов билан туширади. Албатта, У Ўз бандаларидан ўта хабардор ва уларни ўта кўрувчидир”** (Шўро сураси, 27-оят).

Манбалар асосида Фориш тумани
“Мавлонои Гиреҳқушо” жоме масжиди
имом-хатиби **Илҳом ШАМСИЕВ**
тайёрлади.



Бир кеча-кундузда 1440 дақиқа бор. Шу дақиқаларнинг атиги бир нечасини ўз фойдасига ишлатмаган кимса бахил ва бечорадир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим»** (Зориёт сураси, 56-оят).

Афсуски, биз асли ибодат учун яратилганимизга қарамай, энг катта нуқсонимиз шу ибодатларни тўқис бажара олмаётганимиздадир. Аллоҳ кечирсин!

Уламолар айтадилар: “Мўмин банда икки қўрқув орасида ҳаёт кечириши лозим. Бири, ўтган умри, иккинчиси, қолган ҳаёти. Зеро, ўтган умрига Аллоҳ олдида жавобгарлиги қандай бўлади-ю, буёғига қанча умри қолгани ва бу умрида Аллоҳ таоло нималар тақдир қилишини билмайдди. Шундай экан, инсон ўзининг манфаати учун ишласин, дунёда охирати учун амал қилсин, кексайишидан аввал ёшлигидан, ўлиmidан олдин ҳаётидан фойдаланиб қолсин. У дунёда фақат жаннат ва дўзах бор бўлиб, амал қилиши учун имкон қолмайди. Ҳаётидан охирати учун насиба олмай, қуруқ қўл билан ўтаётган кимса ўз ҳолига қанча йиғласа – оз”.

Жисму жонимизга МАЛҲАМ

Ёввойи табиатдаги жониворлардан бирортаси, масалан, кийикнинг оёғи синиб қолса, у жароҳатланган оёғини эртаю кеч ялаб тузатиб олишга шошади. Чунки жисми доимо соғлом бўлиши шарт. Акс ҳолда, йиртқичларга ем бўлиши мумкин...

Биз инсонлар эса ҳам жисмоний, ҳам руҳий соғлом бўлишимиз лозим. Меҳрибон Раббимиз биз учун ҳам жисмимиз, ҳам руҳимизга дармон, малҳам бўладиган амалларни буюрган. Ислоҳ арконларининг барчаси бандага ҳар жиҳатдан манфаатлидир. Афсус, уларни бажаришга келганда баъзан сусткашлик қиламиз.

Дехқонлар экинларига сув оқиб келадиган ариқларни кетмонлари билан кенг-чуқур қилиб ковлаб тозалайди. Ариқлар кейинги мавсумгача секин-аста лойқа билан яна тўлиб борар, кейинги мавсум яна тозалаш бошланади... Инсон танасининг “ариқча”лари ҳам ҳар йили ана шундай тозаланиб туриши керак...

Танамиздаги томирларнинг энг ингичкалари мияда жойлашган, уларни кўз илғаши қийин. Ана шу майда томирлар ичида қонимизни юргизиб қўйган Аллоҳ нақадар буюқдир. Тасаввур қилинг, авто-

уловимизга нотоза ёқилғи солсак, унинг ишлашига қандай таъсир қилади?.. Инсон мияси ҳам мукаммал ишлаши, ҳалол-ҳаром, гуноҳ-савобни фарқлаши учун унга тоза қон керак.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, танамиздаги ҳамма қон тозариши учун 28–30 кун лозим бўларкан. Албатта, бунда истеъмол қиладиган озуқа, уларнинг меъёри, овқатланиш тартиби муҳимдир. Яратганнинг ҳикматини қарангки, бизларга бир йилда бир ой фарз қилинган рўзада ана шу жараёнлар амалга ошади.

Микдод ибн Маъдийкариб розийаллоҳу анҳу айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини тутадиган емаклар кифоядир. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, суви учун учдан бир ва нафаси учун учдан бир”**, дедилар» (Имом Термизий, Имом Аҳмад ва Имом Ҳоким ривояти). Бу ҳадиси шариф саломатлигимизнинг энг асосий қондасини ўртага қўяди. Демак, еб-ичишда меъёр, исрофга йўл қўймаслик олтин қоидамиз бўлиши керак.

Рустам СУЯРОВ,
Каттақўрғон шахри

Ёт ғоялардан ҳимоялаш ота-онанинг вазифаси

Ота-она учун энг муҳим вазифалардан бири фарзанд тарбиясидир. Ушбу масъулиятни чуқур ҳис этган оила бошлиқлари фарзанд тарбиясига жиддий эътибор бериб, ҳар қандай шароитда ҳам жигарбанди билан шуғулланишга вақт топади.

Ҳадиси шарифларда: *“Чўпон ўз сурувидан сўралганидек, оила бошлиғи ҳам аҳли оиласидан ҳисобга тортилади”* (Имом Бухорий ривояти); *“Ота фарзандига гўзал одобдан кўра яхшироқ мерос қолдира олмайди”* (Имом Термизий ривояти), дея қайта-қайта таъкидланган. Ушбу ҳадисларга амал қилиб, фарзандларини илмли, ахлоқли қилиб тарбиялаган инсон икки оламда ёруғ юзли бўлади.

Бугунги кунда ақидаси, дунёқараши ҳали шаклланиб улгурмаган ёшларимиз пуч, ялтироқ шиорларга алданиб, ўнлаб адашган оқим ва йўналишларнинг мафкуравий хуружлари таъсирига тушиб қолмоқда. Чунки бугунги ривожланган замонда диний илмни уйда туриб, интернет орқали ҳам ўрганиб олиш мумкин, бунга устознинг ҳожати йўқ, деб ўйлайдиганлар йўқ эмас. Ҳолбуки, нафақат интернетдаги турли шубҳали манбаларнинг, ҳатто саҳиҳ китобни ҳам ўзича ўқиб, талқин қилиш ҳақиқий илм олиш учун, чинакам исломий тушунчага эга бўлиш учун етарли эмас. Албатта, муаллим бўлиши шарт.

Эътиқодни тўғри шакллантириш, жамиятнинг асосий кучи бўлган ёшларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш доимо долзарб вазифалардан бўлиб келган. Бунда ота-оналар асосий ўрин тутати. Афсус, ҳозир айрим ота-оналар фарзанд тарбиясига бепарво. Дунё ишларига шўнғиб кетганидан оила аъзоларининг маънавияти,

ахлоқи ва тарбияси улар учун кейинги даражага тушиб қолган.

Тарихга назар солинса, кун тартибда, аввало, фарзандлар тарбияси турганини кўриш мумкин. Чунки миллатнинг тараққий этиши ёки заволи авлодлар таълим-тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Агар ёш авлодга тўғри тарбия берилса, келажак пойдевори мустаҳкам бўлади, аксинча бўлса, уммат ҳам, миллат ҳам залолатга юз тутати.



Шундай экан, ҳар биримиз оиламиздан, фарзандларимиздан огоҳ бўлиб, уларнинг кундалик юриш-туриши, қизиқишлари, машғулотлари билан жиддий қизиқайлик. Йўқса, бунинг бадали бу оламда ҳам, охирада ҳам оғир бўлади.

Назиржон ҚўЧҚОРОВ,
Наманган туманидаги
“Умарбой ҳожи” жоме масжиди
имом-хатиби

Жадидларнинг хизматлари

Миллат маънавиятини ислоҳ этиш, одамларни маърифатли қилиш, оламга очиқ назар билан боқишга ўргатиш ва мудроқ тафаккурни уйғотишнинг энг асосий омили сифатида жадидлар матбуотнинг қадрини баланд кўтарди. Улар наздида матбуот – фикрлар тилмочи, миллат ва эл-юрт ривожини йўлида хизматчи, одамлар онгу шуурининг қуёши, барчанинг виждонига тутилган кўзгу бўлмоғи лозим эди.

“Улфат” кўнгиллар бирлигидан сўз очиши, “Садо”лар маърифат, маънавият ва адабиётнинг овози бўлиши керак эди. Газета ва журналлар номи шу эзгу ниятларга мослаб танланди. Туркистонлик зиёлилар ўзлари газета чиқаргунга қадар бир муддат Қримга – Бохчасаройга, Исмоилбек Гаспринскийнинг “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган ғояларига ҳавасланиб қарашди. Жадидлар шу алломанинг “Таржимон” (1883–1914) газетасини ўқиб, унинг мухлиси ва муҳибига айланди.

Газетанинг йўли, маслаги ва мақсади аниқ эди:

“Таржимон” – ҳар турли иш, аҳвол ва ихтилофга “ҳаққоният” ва “мумкиният” жиҳатидан боқажакдир. “Таржимон” тавҳиди лисон, тавҳиди афкор ва маорифи миллия масалаларида ғайрати доимийда бўлажакдир. “Таржимон” – ҳар на сўйлар ва ёзар бўлса, бу кунда миллатнинг англами, идрок ва қабул этишии суръатида арз ва баён этажакдир.



Гарчанд “Таржимон”нинг Туркистонда ўқувчилари кўп бўлса ҳам, илк босқичда туркистонлик ёзувчилар жуда кам – онда-сонда иштирок этишди. Бироқ XX асрнинг ўнинчи йилларидан бошлаб Маҳмудхўжа Беҳбудий (Самарқанд), Охунд мулла Мавдуд Оҳимов (Тошканд), Мирҳусайн Миррахимов (Қўқон), Абдуқодир Шакурий (Самарқанд), Ҳожи Муин (Самарқанд), Қози Зиёуддин Маҳмуд ибн Домла ва мударрис Файзраҳмат (Бухоро) кабилар қатнаша бошлади. Муаллифлар баъзан мақола-хабар ёзишса, айрим ҳолларда “Таржимон”дан ўзларининг энг муҳим саволларига жавоб олиш ниятида мактублар йўллади.

Абдулҳамид Чўлпон 1913 йили Исмоил Гаспринскийга ёзган мактубида “Шалола”, “Турк юрди”, “Шаҳбал”, “Таржимон”, “Вақт” ва “Иқбол” каби жадид қардошларнинг газета-журналларини ёдга олади, уларни ўқиб бораётганини айтади. Хуллас, туркистонликлар “Таржимон”дан бир неча йил сабоқ олди. Сўнг 1906 йил 27 июнда Исмоил Обидов муҳаррирлигида биринчи ўзбек газетаси – “Тараққий” нашрдан чиқди.

Туркистондаги бу янгиликни ҳам биринчи бўлиб “Таржимон” табриклади. “Туркистоннинг бундай тараққийпарвар бир газетага кўндан бери эҳтиёжи бор эди”, деб ёзди. Бироқ “жадидларнинг энг суюкли ва тўнғич газетаси”нинг умри қисқа бўлди.

Йигирма сони чиққандан кейин чор ҳукумати томонидан ёпиб қўйилди ва муҳаррири қамоққа олинди. Шундан кейин Мунаввар Қорининг “Хуршид” (1906 йил сентябрь), Абдулла Авлонийнинг “Шухрат” (1907 йил декабрь) газеталари нашр этилди. Бироқ бу газеталар фаолияти ҳам узоққа чўзилмади. “Таржимон” (1907 йил, 14-сон) бу хусусда ҳам ёзди: «*Матбуотимизда таассуф бўлган бир ҳол бордир: бу Тошкандда чиққан “Тараққий” ва “Хуршид” дўстларимизнинг таққиланиши. Ўрта Осиё учун расмий бўлган “Туркистон газети” етарли эмас.*».

Ўз ғоялари, маслаклари тарғиби учун нақадар фойдали эканини чуқур англаган жадидлар газетачилик жабҳасида ҳаракатдан тўхтамади. “Тужжор”, “Осиё”, “Самарқанд”, “Садои Туркистон”, “Садои Фарғона”, “Тирик сўз” каби газеталар ёнида Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ойина” журнали пайдо бўлди. 1913–1915 йилларда 68 сони босилди...

Жадид зиёлилари учун эски усулдаги мактабларни ислоҳ этиш, бадий адабиётни янги ўзанга солиш, театр сахнасини ибратхонага айлантириш нақадар муҳим бўлса, ўша даврда миллий матбуот ташкили ва тараққийси ҳам шунчалик аҳамиятли эди. Жадидлар замонида матбуотдаги ҳақ сўзнинг кундалик ҳаётга, одамларга, жамиятга таъсири кучли бўлган. Вақтли матбуот одамларнинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Шу нуқтаи назардан, улуғ миллатпарварларимиз жонларини хатарга қўйиб бўлса-да, ўз диндош, миллатдошларини илмли, оқ-қорани танийдиган қилиш йўлидаги интилишлари таҳсинга сазовордир.

Бадихон БАРАТОВ,
Чироқчи тумани “Уймурут ота”
жоме масжиди имом-хатиби

Иккинчи умр

Бир солиҳ инсон бу дунёдан ўтса, унинг қилган яхшиликлари кишилар ёдида умрбод қолади. Ҳар доим уни ширин сўзлар билан хотирлашади. Ана шундай халқпарвар, саховатли кишилардан бири марҳаматлик Зокиржон Исмоиловдир.

Бу инсон оламдан ўтганига ҳали кўп вақт бўлмаган эса-да, дўстлари, яқинлари, маҳаллақўй уни ёдидан чиқаргани йўқ. Чунки Зокиржон эл хизматида бўлиб, кўплаб кишиларга нафи теккан. Айниқса, “Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин” нақлига қаттиқ амал қилар, бирор кишининг бошига ғам тушса, кўмак беришга одатланган эди.

Бир куни ночорроқ биродаримизнинг отаси вафот этди. Шунда таъзияга келган Зокиржон марҳумнинг ҳақиға дуою фотиҳа қилиб, мусибат эгасини четга тортиб, қўлига бир нима тутқазди. Кейин билсак, анчагина пул ташлаб кетган экан. Бир дўстимиз анча дард тортиб, ётиб қолди. Зокиржон бундан хабар топиб, уни шифохонага ётқизиб даволатди, оёққа турғазди.

Сахий дўстимиз наздида яхшиликнинг катта кичиги йўқ эди. Бир куни маҳалласидаги зиёли собиқ ўқитувчи акамиз у билан суҳбатда: “Яхши бир китоб чиқибди, шу китобни харид қилишга имконим бўлмаяпти”, деб қолди. Бир муддатдан сўнг Зокиржон муаллим айтган китобни олиб келиб берди.

Унинг бундай хайрли ишлари маҳаллақўй орасида кўп бор эътироф этилган. Бугун сахий дўстимизнинг эзгу ишларини тўрт фарзанди давом эттирмоқда. Улар ҳам отаси каби элу юрт хизматида. Муҳаммад Бобурнинг “*Шараф билан ёдланмоқлик – иккинчи умрдур*”, дея айтган сўзлари ёдга тушади.

Равшанбек АСРОНОВ,
Марҳамат тумани

Ассалому алайкум ва
раҳматуллоҳи ва
баракотух.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



САВОЛ: *Отам кексалиги туфайли узр соҳиби бўлиб қолган (бавли томчилаб туради). Умрага борганда, қандай тавоф қилади?*

ЖАВОБ: Тавоф қилишда таҳоратли бўлиш тавофнинг вожибларидан биридир. “Тавофнинг вожиблари еттита. Катта (жунуб, ҳайз ва нифос) ва кичик бетаҳоратликдан пок бўлиш ана шу вожиблардандир (“Лубобул маносик”).

Соҳиби узр ҳар намоз вақти учун таҳорат олади. Намоз вақти ўтиши билан таҳорати синади. Соҳиби узр фарз намоз вақтида тавофни бошлаб тугатиши керак.

САВОЛ: *Витр намозини адо этиб, ухлаб тунда туриб таҳажжудни ўқисам, витрни яна қайта ўқийманми?*

ЖАВОБ: Йўқ. Витр намози фақат бир марта хуфтон намозидан сўнг адо этилади.

САВОЛ: *Менинг 4 нафар ўғлим бор, қизим йўқ. Қиз фарзанд отасига дўзахдан парда бўлади. Қизи йўқ, фақат ўғли борлар ҳам шундай мақомдан умид қилса бўладими ёки бу гаплар фақат қизи борларга айтилганми?*

ЖАВОБ: Ҳадиси шарифдаги башорат қизлар ва опа-сингилларнинг қадрини кўтариш, эркаклар ҳимояси ва қарамоғида бўлгани учун уларга алоҳида эътибор қаратиш, қиз туғилса, хафа бўлиш ҳолатларини бартараф этиш маъноларида келган.

Фарзанд қизми, ўғилми, Аллоҳ таоло берган неъматдир. Ота-онанинг бурчи улар-

га тўғри тарбия бериш, дин-диёнатли, илм-маърифатли ва гўзал одобли қилиб тарбиялашдир. Фарзандлари, қиз ва ўғиллари иймонли солиҳ ва солиҳа бўлган ота-она улар туфайли ажр-савобга ноил бўлади.

Дўзахдан парда бўлиш башорати ба-лоғатга етмаган фарзанди вафот этса, му-сибатга сабр қилганлар учундир.

САВОЛ: *Аср ва шом орасида қазо на-мозларни ўқиш жоизми?*

ЖАВОБ: Аср ва шом намозлари ора-сида қазо намозларни ўқиш жо-из. Бу ҳақда “Ҳошиятут Таҳтовий” кито-бида бундай дейилади: “Намоз ўқишдан қайтарилган уч вақтдан бошқа ҳамма пайт-лар қазонинг вақтидир”.

Намоз ўқишдан қайтарилган уч вақт: қуёш чиқаётган, қиёмга келган ва қуёш ботаётган вақтлардир.

Лекин барча фикхий китобларимизда аср намозини адо қилган киши шом намо-зига қадар нафл намоз ўқиши мақруҳлиги айтилган. Бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган-лар: “Бомдоддан сўнг то қуёш чиққунча ва асрдан сўнг то қуёш ботгунча (нафл) намоз йўқдир” (Имом Бухорий ривояти).

САВОЛ: *Атрофимизда масофаси де-ярли бир хил бўлган уч масжид бор. Учаласида ҳам навбати билан беш маҳал намозга азон янграйди. Биринчи азон тугагач, вақти кирган намозни ўқисак бўладими ёки учаласининг азони тугашини кутиш керакми?*

ЖАВОБ:

Азон намознинг вақти кирганини эълон қилувчи ва намозхонларни жамоатга чорловчи Ислоҳ шиоридир. Намоз вақти кирганини билишингизга биргина масжиднинг азони кифоядир.

САВОЛ:

Мен қассоблик билан шуғулланман. Динимизда бўғоз ҳайвонни сўйиш ёки сўймаслик борасида нималар дейилган?

ЖАВОБ:

“Туғиши яқинлашиб қолган қўйни сўйиш макруҳдир. Чунки бунда унинг қорнидаги боласини зое қилиш бор” (“Баҳрур роиқ”), (“Фатовойи ҳиндия”).

“Агар ҳайвонни бўғоз ёки бўғоз эмаслиги аниқ бўлмаса, у сўйилгач, қорнида боласи борлиги билинса, уни сўйган ва сўйдирган инсонлар гуноҳкор бўлмайди” (“Фатовойи Қосимия”).

САВОЛ:

Масжидларда намоз ўқилгач, намозхонлар жойларини ўзгартиришади. Шундай қилиш мажбурий амалми?

ЖАВОБ:

Намозхон фарз намозини ўқиб бўлгач, ўнг, чап, олд ёки орқа тарафга ўтиб, қолган намозларни ўқиши мустаҳабдир, яъни мажбурий эмас (“Раддул мухтор”).

САВОЛ:

Пешин намозининг вақти 13:00 да деб белгиланган. Ушбу намозни 12:50 ёки 12:55 ўқисак бўладими?

ЖАВОБ:

Пешин намозининг вақти 13:00 деб белгилангани масжидларда жамоатга қулай бўлиши учундир. Аслида пешин вақти қуёш тик бўлган ҳолати – қиёмдан оғиши билан киради. Қуёшнинг оғани соянинг кунчиқар тарафга қиялай бошлаши билан билинади.

САВОЛ:

Ҳаром бўлган маҳсулотларга теккан қошиқ ёки идишларни сувда бир-икки ювиб ташлаб, ишлатса бўлаверадими?

ЖАВОБ:

Қошиқ ва бошқа идишлар агар сирланган, ўзига сув шиммайдиган бўлса, уларни уч марта ювиш билан покланади. Ҳар ювганда томчи томмай қолгунча қуригилади.

Ибн Обидин раҳимахуллоҳ бундай дейди: “Сиқиб бўлмайдиган нарсалар нажосатни ўзига шимиб олмаган бўлса, уни уч марта ювиш билан пок бўлади. Ҳатто кетма-кет қуригандан ювилса ҳам, пок бўлади. Кўзгу каби (силлиқ, ялтироқ сув шиммайдиган нарса)ларнинг ҳукми ҳам шундай”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Фатво маркази (78) 150-33-44

Саховат ва ҳиммат

Саховат инсоният боғининг борвар шажаридур, балки ул шажарнинг муфид самаридур. Одамийлик кишварининг баҳри мавжвари, балки ул мавж баҳрининг самин гавҳари. Саховатсиз киши – ёғинсиз абри баҳор. Мевасиз йиғоч ҳамону ўтун ҳамон ва ёғинсиз булут ҳамону тутун ҳамон. Сахосиз киши бирла гавҳарсиз садафнинг бир ҳукми бор. Дурсиз садаф била ўлуб қуруғон не эътибор.

Сахий булутдур – иши хирмон, балки маҳзан бермак. Ҳиммат аҳлигадур саховат ихтисоси ва бу икки шариф сифат валоят хоси. Саховат одамига бадандур ва ҳиммат анга руҳ ва ҳиммат аҳлидин оламда юз минг футух. Ҳимматсиз киши эр сониде эмас, руҳсиз баданни киши тирик демас. Соҳиби ҳикмат муфлислик била паст бўлмас, ҳимматсиз ганж топса, бийикларга ҳамдаст бўлмас. Чинор илги холилиғидин бийиклигига не нуқсон ва туфроққа ниҳон ганжлари била не улви шон. Ҳиммат аҳлига агарчи бийик кавкабдур, аммо саховатга неча мартабадур, Исроф сахо эмас ва итлофни маъно аҳли сахо демас. Мубоҳот учун бермак худнамолик ва анинг била ўзин сахий демак беҳаёлик. Улки эл кўрмагунча бермас – лаимдур, сахий эмас. Тилаб бергани ҳам саҳодин йироқ бил; ибрам била бергандин бермагани яхшироқ бил. Бирта ўтмакни икки бўлуб, ярмин бир очға бергани сахий де; ўзи емай барин муҳтожга бергани ахий де.

Алишер НАВОИЙнинг
«Маҳбуб ул-қулуб» асаридан.

Басмала – алоҳида оят

Уламолар Намл сурасининг 30-оятида келган: «**Албатта, у Сулаймондандир ва у: “Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан** (бошлайман)**дир**», яъни “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим” оятнинг бир қисми эканига ижмо қилишган. Лекин Фотиҳа ва ҳар бир суранинг аввалида келган басмала ҳам алоҳида оят ёки оят эмаслиги борасида ихтилоф қилишган.

Имом Шофеъий: “Басмала Фотиҳа ва ҳар бир суранинг аввалида бир оятдир”, деган. Имом Молик: “Басмала Фотиҳа ва ҳар бир суранинг аввалида бир оят эмас”, деган. Имом Абу Ҳанифа эса: “У (басмала) сураларнинг ўртасини ажратиш учун нозил қилинган Қуръондан бир оят”, деганлар.


Шофеъийлар сўзларига қуйидаги ҳадисларни далил қилишади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: «У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Агар Фотиҳа сурасини ўқисангиз, (басмала)ни ўқинглар, чунки у “Уммул Қуръон”, “Уммул Китоб” ва “Сабъул масоний” (икки марта тушган етти оят)дир ҳамда (басмала) унинг оятларининг биридир**”, дедилар» (Имом Байҳақий ва Имом Дорақутний ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан келтирилган ҳадис: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозни “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” билан бошлар эдилар».

Моликийлар басмала Фотиҳадан ҳам, Қуръон сураларидан ҳам эмас, балки у табаррукан ворид бўлган, дейишади.

Уларнинг далили бундай: Ойша онамиз: «Расулulloҳ соллаллоҳу



алайҳи ва саллам намозни такбир ва қироат “**Алҳамду...**” билан бошлар эдилар», деди.

“Саҳиҳайн”да Анас розийаллоҳу анҳудан келтирилган ҳадис. У (Анас): «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Абу Бакр, Умар, Усмон розийаллоҳу анҳум ортларидан намоз ўқидим, улар намозни “**Алҳамдулиллаҳи роббил ғаламийн...**” билан бошлар эдилар», деди. Имом Муслим ривоятида: «Улар “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим”ни қироатининг аввалида ҳам ва охирида ҳам зикр қилмади», дейилади.

Басмала Фотиҳадан бир оят эмаслигига Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан келтирилган ҳадис далилдир. Бу ҳадиси қудсийдир: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитдим. У зот: “Аллоҳ азза ва жалла: “**Намозни (Фотиҳа сурасини) Ўзим ва бандам ўртасида иккига бўлдим**”. Агар банда: “**Алҳамдулиллаҳи роббил ғаламийн – Барча мақтов оламларнинг тарбиячиси Аллоҳга бўлсин**” деса, Аллоҳ таоло: “**Бандам мени мақтади**” дейди...” дея Фотиҳа сурасининг оятларини бир-бир айтиб ўтдилар. Агар басмала Фотиҳадан бир оят бўлганида эди, албатта, у ҳадиси қудсийда зикр қилинган бўлар эди».

Моликийлар ўз сўзларини яна бундай исботлашади: «Агар басмала Фотиҳадан бўлса, Аллоҳнинг: “**Роҳманир Роҳийм**” сифати икки марта такрор бўлиб қолади. Бу Қуръоннинг фасоҳатига зиддир.

Ибнул Арабий айтади: Саҳиҳ хабарлар басмала Фотиҳа сурасидан ҳам, бошқа барча суралар аввалидан ҳам бир оят эмаслигига далолат қилади”.

Ҳанафийларнинг ҳужжатлари: “Басмаланинг Мусҳафда ёзилиши у Қуръондан эканига далолат қилади, лекин у ҳар бир суранинг биринчи ояти эканига далолат қилмайди. Намозда у (басмалани) Фотиҳа сураси билан бирга жаҳрий ўқилмаслиги ҳам шунга далолат қилади. Намл сураси бундан мустасно”.

Саҳобалар: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” нозил бўлмагунича биз сураларнинг қаерда бошланиб,



қаерда тугашини билмас эдик», дейишган. Шунингдек, Ибн Аббос розийаллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга “Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм” нозил бўлмагунича у зот сураларнинг ўртасини ажратишни билмас эдилар», дейилган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Қуръонда ўттиз оятли бир сура борки, соҳиби кечирилмагунча Аллоҳдан унинг ҳақиқа шафоат сўраб туради. У Мулк сурасидир”**, дедилар. Қорилар у сура басмаладан ташқари ўттиз оят эканига иттифоқ қилишган. Агар басмала ундан бўлганида у ўттиз бир оят бўлар, бу эса Набий алайҳиссаломнинг сўзларига ҳилоф бўлиб қоларди. Миср қорилари ва фақиҳлар бунга қўшича қилиб Кавсар сураси уч оят, Ихлос сураси тўрт оят эканига иттифоқ қилади. Агар у (басмала) улардан бўлса, суралардаги оятлар сони улар санаганидан кўпроқ бўларди.

Мазҳаб имомлари далил сифатида келтирган ҳужжатларни кўриб чиққандан кейин бундай хулоса қилиш мумкин: ҳанафий мазҳаби олимлари билдирган фикр ва ҳужжатлар бошқаларидан қувватлироқ. Басмала Мусҳафда борлиги ва буни бирор киши инкор қилмасдан, мутавотирлигини, саҳобалар Мусҳафга Қуръоний бўлмаган бирон нарса қўшмаганини биламиз. Бу эса, Басмала Қуръон оятларидан эканига далилдир. Лекин бу ҳар бир сурадан бир оят ёки Фотиҳадан бир оят эканига далолат қилмайди. Шундай экан, басмала Қуръондан. Ворида бўлган ҳужжатлар ўртасини жамлайдиган хулоса ҳам шу. Валлоҳу аълам.

Абдурасул АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси докторанти

Рамазонда бўлган МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Рамазоннинг биринчи куни:

– Иброҳим алайҳиссаломга саҳифалар туширилди; милодий 624 йили 26 февралда (ҳижрий 2 йил) мусулмонлар илк бор Рамазон рўзасини тута бошлашди; милодий 641 йили 13 августда (ҳижрий 20 йил) Миср фатҳ этилди.

Рамазоннинг иккинчи куни:

– ҳижрий 82 йили Рамазон ойининг иккинчи куни Мағрибул Асват (Марокаш) фатҳ бўлди; милодий 750 йил 13 апрелда (ҳижрий 132 йил) Абдуллоҳ Абул Аббос Дамашқни эгаллади, умавийлар ҳукмронлиги тугатилиб, аббосийлар давлати қурилди.

Рамазоннинг учинчи куни:

– милодий 632 йил 21 ноябрда (ҳижрий 11 йил) Пайғамбар алайҳиссалом қизлари Фотимаи-Заҳро розийаллоҳу анҳо вафот этди.

Рамазоннинг еттинчи куни:

– милодий 971 йил 22 майда (ҳижрий 361 йил 7-Рамазон) Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Ислом оламидаги энг йирик ўқув даргоҳларидан «Ал-Азҳар» жомеига асос солинди.

Рамазоннинг саккизинчи куни:

– милодий 630 йил 18 декабрда (ҳижрий 9 йил) Табук ғазоти бошланди.

Рамазоннинг тўққизинчи куни:

– милодий 712 йил 18 июнда (ҳижрий 93 йил) Андалусия фатҳи бошланди.

Рамазоннинг ўнинчи куни:

– милодий 620 йили мўминлар онаси Хадичаи Кубро вафот этди.

Рамазоннинг ўн иккинчи куни:

– милодий 879 йил 7 майда (ҳижрий 265 йил) Қоҳирадаги машҳур Ибн Тулун жоме масжиди қуриб битказилди.



Сайёҳлар оқими кўпаядими?

Москва мэрияси ислом мамлакатларидан сайёҳлар оқимини кўпайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқди.



Бу ҳақда туризм қўмитаси раҳбари Юлия Сюдюкова маълум қилган. Унинг сўзларига кўра, мусулмон сайёҳларни жалб қилиш мақсадида турли мамлакатларда тақдиротлар ўтказилган.

“Муайян манзилга саёҳат қилаётган мусулмонлар ҳалол озиқ-овқат мавжудлигига эътибор қаратишади. Шу боис бу борада барча жойларда ишлар олиб борилмоқда. Меҳмонхоналарда жойнамош ва диний адабиётлар билан таъминланмоқда”, деди Сюдюкова.

Шайх Зайд масжиди

Индонезияда Абу Дабидаги машҳур Шайх Зайд масжидининг кичик нусхаси қуриб битказилди.



Марказий Явадаги масжид ҳажми бўйича Амирликларда жойлашган асл меъморий мажмуанинг 20 фоизига тенг. Янги масжид БААнинг марҳум

Президенти Шайх Зайд бин Султон Наҳаён номини олади.

Дин ишлари вазирлиги вакили Акмал Салим Руҳаннинг сўзларига кўра, масжид қурилиши якуний босқичда бўлиб, у Рамазон ойи арафасида очилди. Хабар қилинишича, масжид 10 000 намозхонни сиғдира олади.



Таҳсинга лойиқ хайрия ишлар

Лондонда жойлашган “Ayaan Institute” тадқиқот ташкилоти Британияда истиқомат қилувчи мусулмонлар хайрия ишларида бошқалардан кўра саховатлироқ эканини эълон қилди.

Маълумотларга кўра, британиялик мусулмонлар йилига 1 миллиард фунт стерлинг хайрия қиладилар.

2050 йилга бориб мусулмонлар жамияти хайриялари миқдори йилига тахминан 4 миллиард фунт стерлингга етиши мумкинлиги тахмин қилинмоқда. Бу ҳақда IQNA нашри хабар берди.

Янги аудиотизим

Масжидул Ҳаромда сўнгги технологиялар асосида янги аудиотизим ишга туширилди.

Уни созлаш ва ўрнатиш ишларида 120 нафардан ортиқ овоз муҳандислари иштирок этди. Зиёратчиларга азон садоси ва жамоат намози овозини етказиш учун 7000 дан ортиқ карнай ўрнатилди. Овоз тизимини мувофиқлаштириш учун Масжидул Ҳаром ҳудудида иккита пулт бошқаруви хонаси ва яна бир захира тизими мавжуд.

Мазкур техник янгиликлар Масжидул Ҳаром ва унга туташ ҳудудларни кенгайтириш бўйича кенг қўламли лойиҳа доирасида амалга оширилмоқда.

300 минг нусха Мусхаф тухфа этилди

Саудия Арабистонининг Ислом, даъват ва иршод ишлари вазирлиги Мавританияда ҳар йили ўтказиладиган Қуръон ва Суннати набавия танловининг барча иштирокчиларига 300 000 га яқин Қуръон нусхаси тарқатилишини эълон қилди.



Мазкур мусобақа Саудия Арабистони Ислом, даъват ва иршод ишлари вазирлиги ҳамда Мавритания Ислом ва таълим-тарбия ишлари вазирлиги, Қуръони каримни ёдлатиш хайрия марказлари ҳамкорлигида ўтказиб келинмоқда.

Ушбу 300 000 дона Қуръон Мадинадаги Қирол Фахд мажмуаси томонидан чоп этилган.

Китобларнинг маълум қисми шу йилнинг 10 март куни яқунланган Қуръони карим ва Суннати набавия мусобақаси иштирокчиларига тақдим қилинди.

Китобларининг қолган қисми эса Мавританиядаги Қуръони каримни ёдлатиш бўйича фаолият олиб боровчи хайрия марказлари ва жамиятларида таҳсил олаётган талабаларга ҳадя этилади.

Ўн минг доллар хайрия

Туркия жумҳурияти бир неча йиллардан буён Африкадаги мусулмон мамлакатларида мактаблар бунёд этиб, болаларнинг таълим олишига қўмаклашиб келаётган эди.

Яқинда Туркияда содир бўлган кучли зилзила угандалик мактаб ўқувчиларини ҳам ташвишлантирди ва улар миннатдорлик сифатида хайрия тадбирларини ташкил этди.

Бошланғич мактаби директори Булянку Жамил Вамбининг айтишича, мактаб ўқувчилари танаффусда тамадди қилиш учун мўлжалланган пулларини ихлос билан хайрия қилишган. Ўқувчилар тўплаган маблағларнинг умумий миқдори 10 минг доллардан ошди, дея хабар беради Anadolu агентлиги.

Бамбук масжидлари

Покистонлик меъмор Ясмин Лари Саудия Арабистонидаги Ислом санъати биенналесига ҳакамлар ҳайъатини бамбукли кичик масжидлари билан хайратда қолдирди.

Ясмин Лари бамбукдан 3 та кичик масжид ясаган ва бу тузилмаларни осонгина йиғиш ва демонтаж қилиш, шунингдек, бошқа жойга кўчириш мумкин. Кўчма бамбук масжидлари ғояси кўпинча йирик қурилиш майдончаларида пайдо бўладиган муаммони ҳал этди. Чунки аксарият қурувчилар иш жараёнида намоз ўқишда турли ноқулайликларга дуч келарди.

Ларининг таъкидлашича, бамбукли масжидлар қайта-қайта қўлланиши мумкин.

“Бамбук масжидларида ҳеч қандай ташқи безаклар йўқ. Тузилиши оддий”, дея изоҳ берди меъмор.

Набий алайҳиссалом кирган бозор

Саудиялик олимлар жамоаси Арабистон ярим оролидаги Исломнинг илк даврида савдо майдони бўлиб хизмат қилган энг йирик қадимий бозор харобаларини топишди.

Олимларнинг таъкидлашича, Ҳабаш бозори мавсумий савдо маркази бўлиб, у Ражаб ойининг биринчи кунда бошланган ва саккиз кун давом этган. Бозор эрамизнинг 813 йилигача ишлаган.

Қирол Абдулазиз номидаги Тадқиқот ва архив фонди Бош котиби Фахд Самарийнинг сўзларига кўра, ҳозирда Ҳабаш бозори ҳақидаги маълумотларни тарихий манбалардан излаш бўйича ишлар олиб боришда.

Экспедиция аъзоси Абдуллоҳ Заҳранийнинг сўзларига кўра, олимлар 40 йил давомида унинг жойлашган жойини аниқлашга ҳаракат қилишган ва энди муваффақиятга эришди. Бунинг учун улар архивларни титкилаб, ўша даврдаги қарвон йўлларини тиклашлари ва кейин ўзлари шу йўллар бўйлаб боришлари керак эди.



Тарихчиларнинг фикрига кўра, Ҳабаш бозори Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таржimai ҳолларида қайд этилган, у зот бу ерда ваҳий келмасдан илгари савдо қилганлар.

Интернет маълумотлари асосида тайёрланди.



“Шифоул илал” рисоласи

Алихонтўра Соғуний тиббиётга оид “Шифоул илал” (“Дардлар давоси”) рисоласини асирлик йилларида Шарқий Туркистонда Хитой ҳарбийларидан қочиб юрган вақтда, жон сақлаш учун яширинган Кунас ноҳиясидаги қишлоқда ёзиб тугатган.

Бу ҳақда олимнинг ўғли Асилхонтўра бундай дейди: “Шифоул илал” рисоласини 1937 йили июнь ойларида отамиз Алихонтўра Соғуний Шарқий Туркистоннинг Ғулжа шаҳрида золимлардан қочиб, Кунас тоғларида Тойошув, Қўйошув деган ерларда қирғиз биродарлари орасида ёзганлар».

Муаллиф ушбу рисола тиббиёт соҳасида тўплаган ўттиз йиллик тажрибасига таяниб ёзган. “Туркистон қайғуси” асарида “Шифоул илал”нинг ёзилиш сабаблари қуйидагича келтирилган: «Вақтлик бўлса ҳам, шу фурсатдан фойдаланиб, табобат хизматида ишлаган кунларимдан бошлаб, тўплаган тажрибаларимга асосан, “умримнинг охирида халқ учун, бўлиб ҳам ўз авлодим учун хотира бўлиб қолармикин”, деган умид билан аниқ туркий тилда бир китоб ёзиб, номини “Шифоул илал” қўйдим»¹.

Ушбу рисола дастлаб “Шарқ юлдузи” журналининг 1996 йил 6-сонида олимнинг ўғли Асилхонтўра томонидан нашр этилган. Ношир рисоланинг кириш қисмида “Сўзбоши” ва “Муножот” бериб ўтган. Кейинги қисмларда бевосита муаллифнинг фикрлари ўрин олган. Ушбу рисолага Шамил Алмазбеков томонидан ҳам шарҳ ёзилган бўлиб, у муаллифнинг “Беназир устоз ёхуд Алихонтўра Соғуний тиббий меросига бир назар” номли хотира асарининг таркибий

қисми сифатида “Шифоул илал” рисоласи шарҳи” сарлавҳаси остида берилган.

Алихонтўра Соғуний ҳар доим бирор масалани ўртага қўйса, албатта, уни дин билан қиёслашга, ечимни ундан топишга одатланган. Бу ҳолатни “Шифоул илал”да ҳам кузатиш мумкин. Масалан, ушбу рисоланинг дастлабки қисмида илм икки турли бўлишини, яъни дин илми ва тан ил-

мидан иборат эканини, диний илмларни билмаслик инсоннинг иймонига салбий таъсир кўрсатиб, охиратига зарар бўлиши мумкинлигини, тан илмини билмаслик эса турмуш-тирикчилик роҳати бузилишига олиб келишини таъкидлаган. Олимнинг фикрича, “тиб илмини билмак дин илмини билмак каби ҳар бир мусулмонга фарз”дир. Олим бу фикрни “агар бир шаҳарда иймон, Ислом-мусулмончиликни биладиган, уни ўқитиб-ўргатадиган уламо (олимлар) бўлмаса, шариатга кўра, бундай шаҳарда мусулмон кишининг туриши дуруст эмас”, деган ҳукмга қиёсан берган. Яъни унга кўра, “бир шаҳарда иссиқ, совуқни айириб, оғриқ, касални ажратиб турадиган ҳукамо (табиблар) бўлмаса, у ерда қолиш ҳам дуруст эмас”. Ушбу қиёснинг аҳамиятини “ҳар бир касбда агар киши хато қилса, зарари молга етар, агар тиб илмида хато қилса, жонга етар”² жумлалари билан изоҳлаш мумкин.

“Шифоул илал”га киритилган асосий масалалар Или, Ғулжа, Туркистон, Фарғона мусулмонлари орасида кўп тарқалган “иллат-касалликлар” ва уларнинг “шифо-даволари” ҳақида бўлиб, булар олимнинг 25–30 йил давомида “шу илм ичида хизмат қилиб, кўзи билан кўрган, қўли билан ушлаб тажриба қилган”ларига асосланади. Булар қуйидагилардан иборат: ҳуқна қилиш, сарсом иллати, зотилжам, истисқо, хафақон иллати, қурсоқ оғриқ, ҳабтанақорни ясаш, юрак буруғи, йўтал, диққинафаслик, мафосил, сийдик тутулғони, сўзнак, хайза касаллиги, бувосил, қулинч, яъни сўқир ичак оғриғи, ташаннуч, ярақон, амроз раҳм, яъни бачадон, хайз қони кўп кетмаслиги, ёш болалар касаллиги, химмо, азҳар – боланинг ичи ўтиши, аптекада бор дорилар, томир тутиш.



Алихонтўра Соғуний кишининг мижози тўрт хил бўлиши, жумладан, сафро – қуруқ-иссиқ, савдо – ҳўл-иссиқ, қон – қуруқ-совуқ, балғам – ҳўл-совуқдан бўлиши, жойлашган ўринлари хусусида сўз юритган: “Сафро туркийда ўт жойи, жигарга осилган ўт халтасида бўлур. Савдонинг жойи қоратолда бўлур. Балғамнинг жойи ўпкада бўлур. Қон бўлса ҳамма бадандадур”.

Алихонтўра қайси бир касалликка тўхталса, бу касалликни қаерда кимлар нима деб аташини ҳам келтириб ўтган. Масалан, “Химмо деб арабчада иситма, безгакни айтур... Хуқна деб арабчада амалчани, яъни клизма қўймоқни айтилур. Бу иш илгаридан бери Ислом ҳукамоларидан ишланиб келган нарсадир. Кўп яхши илождур. Бу замонимизда мошини клизма пайдо бўлиб, ҳаммага расм-одат бўлиб қолди... Сарсом деб арабчада кезик (юқумли) терламани айтур. Дўхтирлар тиб дейдур.... ёки зотилжамни туркийда қоғун, қирғизлар қобирғадан сесканган, қон тукурған санчик дейдур. Рус дўхтирлари воспаление дейдурлар... ёки истисқони, шишиқ иллатини рус дўхтирлари водянка деб айтурлар... Амроз раҳм, яъни бачадон туркийда бола ётқининг иллатларини айтур”.

Зарифжон АРСЛОНОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом
академияси таянч докторанти,
Имом Мотуридий халқаро
илмий-тадқиқот маркази
илмий ходими

Фойдаланилган адабиётлар

- 1) Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал // Шарқ юлдузи журналы, 6-сон. 1996. 186 б.
- 2) Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Тошкент: Шарқ, 2020.
- 3) Ш.Алмазбеков. Беназир устоз ёхуд Алихонтўра Соғуний тиббий меъросига бир назар. Тошкент: Наврўз нашриёти, 2015. 136 б.

¹ نەلىخان تۆره ساغۇنىي. تۇركىستان قاينغۇسى (نەشرگە تيارلانغۇچى: ھاجى ئابدۇررشىد كېرىمى). - مېونخېن گېرمانىيە: دۇنيا ئۇيغۇر قۇرۇلتىيى نەشر قىلدى، ۲۰۰۲. ۷۲۲-۷۲۲ ب.

² Алихонтўра Соғуний. Шифо ул-илал // “Шарқ юлдузи” журналы, 6-сон. 1996. 188 б.

Рамазонда бўлган МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

Рамазоннинг ўн учинчи куни:

– милодий 636 йил 18 октябрда (ҳижрий 15 йил) Умар ибн Хаттоб Қуддус шаҳрига кириб бордилар ва шаҳар аҳолисига омонлик ахдномасини ёзиб бердилар.

Рамазоннинг ўн тўртинчи куни:

– милодий 1347 йил 18 декабрда (ҳижрий 748 йил) илм-маърифат ривожига катта ҳисса қўшган Миср ҳукмдори Ҳасан ибн Носир Муҳаммад Қаловун ҳукмронлиги бошланди.

Рамазоннинг ўн бешинчи куни:

– милодий 625 йил 1 мартда (ҳижрий 3 йил) Набий алайҳиссаломнинг сеvimли набиралари Имом Ҳусайн розийаллоҳу анҳу туғилди.

Рамазоннинг ўн еттинчи куни:

– милодий 660 йил 24 январда (ҳижрий 40 йил) ҳазрат Али қаррамаллоҳу ваҳҳаху, 676 йил 12 июлда (ҳижрий 56 йил) мўминлар онаси ҳазрат Ойша розийаллоҳу анҳо вафот этишди.

Рамазоннинг ўн саккизинчи куни:

– милодий 642 йил 20 августда (ҳижрий 21 йил) «Сайфуллоҳ» лақабини олган Холид ибн Валид розийаллоҳу анҳу вафот этди.

Рамазоннинг йигирма иккинчи куни:

– милодий 630 йил 12 январда (ҳижрий 8 йил) Тоиф шаҳри мусулмонлар қўлига ўтди.

Рамазоннинг йигирма учинчи куни:

– милодий 652 йил (ҳижрий 31 йил) сосонийлар мағлуб этилди.


Рамазоннинг йигирма олтинчи куни:

– милодий 1401 йил 16 мартда (ҳижрий 808 йил) машҳур қомусий олим ва тарихчи Абдулрахмон ибн Халдун вафот этди.

Чуст тумани бош имом-хатиби
Баҳодир ШАРИПОВ тайёрлади.

Умр мавсуми ўтди

Масжидлар



Рўза ойи – сабр ойи,
Тоғдай-тоғдай ажр ойи.
Ойларнинг энг хушчиройи,
Мўминларга ошно рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Эй рўзаи Рамазоним,
Сендирсан моҳи жаҳоним.
Бу оламдаги ризвоним,
Салом, буюк шифо рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Келдинг нурлар оламидан,
Жаннат, ҳурлар оламидан.
Шуълалар сочгин шамингдан,
Нурдан қалбим зебо, рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Феруза тонглар соатлаб,
Ўқиб Қуръондан оятлар,
Қилай тавба, ибодатлар,
Менга келтир сафо, рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Тоқатларим бўлди-ку тоқ,
Келгин тезроқ, очиб қучоқ.
Сен билан бир четда тинчроқ
Бўлай мен мутлақо, рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Яратган ул Худо ҳаққи,
Қуръон нури зиё ҳаққи.
Муҳаммад Мустафо ҳаққи,
Минг дардга бир даво рўза,
Сенга жоним фидо, рўза.

Мамадиёр ХУШМАТОВ

Янги куннинг ҳар тонги масжид томондан бошланур,
Соф илоҳий бир садо, яъни азондан бошланур.
Ҳақ Расул фатвоси бирла бўлди илк масжид бино,
Тарихи кўп-кўп қадимдан, кўп замондан бошланур.

“Барча муслимдир, биродар”, истаги Байтул Ҳаром,
Ҳаж учун жаҳду жадал, жумла жаҳондан бошланур.
Ҳар куни кўз-кўзга тушгай, эрта тонгда “Ассалом”,
Ўзаро меҳр-оқибат тилдан, забондан бошланур.

Ҳар имом чин аҳли дониш, ҳар имом чин раҳнамо,
Турфа хил маърузалар, “яхши-ёмон”дан бошланур.
Қалб кўзи кўрмоққа бошлар, дилга жо бўлгай иймон,
Одамийлик англаким, асли иймондан бошланур.

Қалбга ҳам тушгай ёруғлик, ғам кетар мисли туман,
Ҳақ ўзи бергай мадад, коринг осондан бошланур.
Тўғри кел, эй аҳли иймон, мақсаднинг жаннат эса,
Равзатул жаннат сари йўл шул макондан бошланур...

Абдусамад РАҲИМОВ, Учкўприк тумани

Имом Бухорий ҳазратлари

Отасидан гўдакликда маҳрум бўлган,
Уч ёшида кўзи ожиз бўлиб қолган,
Олти ёшида Қуръонни у ёддан билган,
Аллоҳ раҳмат назарини солган бобом.

Волидасин дуолари далда бўлди,
Тангри берган мўъжизадан кўз очилди,
Болаликдан илм йўлин собит билди,
Раббисига дилдан ихлос қўйган бобом.

Аллоҳ берди унга ёдлаш илҳомини,
Ўн ёшидан ёд олди ҳадис илмини,
Шу ёшида биларди етмиш мингини,
Эй, қувваи ҳофизаси теран бобом.

Илм истаб, ҳадис излаб кезди жаҳон,
Аввал Макка, сўнг Мадина, Ироқу Шом,
Ҳижоз эли, Миср, Нишопур, Хуросон,
Мақсадлари тоғдан юксак бўлган бобом.

Олти юз минг ҳадисни у ёзиб олди,
Уч юз минг ҳадисни у ёддан билди,

илғамас тушдек...

Ҳадислардан юз мингтаси саҳиҳ деди,
“Ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ”ни тузган бобом.

Тасниф этиб Расулulloҳ сийратларин,
Ахлоқлари, юмушлари – суннатларин,
Ўз ўрнига қўйиб матну санадларин,
Мухтасар бир асар – китоб қилган бобом.

Ушбу китоб Қуръондан сўнг тургани-чун,
Бани одам ундан ибрат олгани-чун,
Кенг оламни тўғри йўлга солгани-чун,
Мусулмонлар эҳтиромин олган бобом.

Каримкул МАВЛОНОВ,
Бекобод тумани



Туюқлар

Мутриб омад куйин бир маромда чалаверади,
Аллоҳ уни кимга бутун, кимга чала беради.
Бутун омадли берганига шукрона қилмай,
Чала омадлининг оёғидан чалаверади.

Қасирғалар шаффоф булоқларга чалинди,
Аҳли дониш ақли чўлоқларга чалинди.
Охирзамон нишонаси шулармикан ё,
Давосиз дардлар қулоқларга чалинди.

Умр мавсуми ўтди илғамас тушдек,
Ипдайин чуваландик, баъзан чув тушидик.
Имконлар тушовланган самандай бу кун,
Учқур отни бой бердик, эгардан тушидик.

Оламда турфа хил одамлар, қилсанг эътибор,
Бири қоқ қуриб қолган, бошқасининг эти бор.
Бири яшар тор кулбада ўн нафар жон билан,
Бошқаси қошонада, биттагина ити бор...

Ўсишса ахлоқсиз бўлиб болалар,
Бағрингда кундан-кун чаён болалар.
Тарбияни бошдан бошлагин, зеро,
Гўдакликда ширин-новот, бол алар.

Худойберган ШОМУРОДОВ



Тўртликлар

Тарбияни бошла дўстим бешикдан,
Қинғирлик кирмасин туйнук-тешикдан.
Улғайиб фарзандлар вояга етгач,
Кириб келсин пок иймонлар эшикдан.

Сен бўлмасанг саодат қайда,
Бандаларга ҳалавот қайда.
Иймон, сени топмаганларга,
Маҳшаргоҳда ҳимоят қайда.

Саждага бош қўяр Ҳақни кўзлаган,
Ундан нажот топар дил хун бўзлаган.
Жаннат боғчасидан қуруқ қолади,
Ўзгалар ҳақида ғийбат сўзлаган.

Умримиз гўёки ўхшар эртакка,
Тиришамиз орзу учун етмакка.
Ақлу ҳушимизни ҳали йиғмасдан,
Етиб келар ажал олиб кетмакка.

Дўстим, бепарво бўл дунё ғамига,
Кўп ташиши чекма, бор-йўқ, камига.
Энг аввало ишингни ўринлатиб қўй,
Ҳали тушмай туриб йўқлик комига.

Юсак осмонинг томимдир менинг,
Чексиз уммонинг жомимдир менинг.
Қалбимга жойланган покиза иймон,
Муқаддас шарафу шонимдир менинг.

Иброҳимжон АҲМЕДОВ,
Анджон шаҳри

Саодат асри. Ҳижратдан сўнг мадиналикларнинг кўпи самимий мусулмон бўлишган эса-да, иймон келтирмай, Исломга зимдан кек сақлаб юрган айрим мунофиқлар ҳам йўқ эмасди. Бу иккиюзламачилар фурсат топиши билан Пайғамбаримиз алайҳиссалом ва мусулмонларнинг обрў-эътибори, шарафини оёқости қиладиган ишларга киришиб кетишарди. Бу ишлардан бири Ойша розийаллоҳу анҳога қилинган тухматдир. Бу Ислом тарихида “Ифк ҳодисаси” номи билан машҳур.



Уйдирма ҳодисаси

Пайғамбар алайҳиссалом Бани Мусталик ғазоти учун Мадинадан чиққанларида (ҳижрий 5/милодий 626 йил) Ойша онамизни ўзларига ҳамроҳ қилган эдилар. Ғазотдан қайтишда карвон бир жойда дам олишга тўхтади. Ойша розийаллоҳу анҳо эҳтиёж туфайли қоронғида узоқроққа кетди. Қайтаркан, тақинчоғи узилиб, унинг доналарини қидириб топгунча ҳаяллаб қолди. Карвон қўноқлаган ерга келганида ҳеч ким йўқ эди. Карвон кетиб қолганини англаб, йўқлигини билиб қолишгач, албатта қидириб келишларига ишониб, қимирламай жойида кутиб турди.

Бироздан сўнг кўшиндан ортда қолиб кетган Сафвон ибн Муъаттал Суламий келиб қолди. Ҳазрат Ойшани таниши билан туяси-дан тушиб, уни уловга минишга ундади. Ўзи пиёда туя жиловидан тутди. Сафвон пиёда бўлгани боис қанча тез юрмасин, карвонга чошгоҳда етишдилар. Бу ҳодиса мунофиқлар бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ва унга эргашганларнинг ғийбатлари туфайли шаҳарда гап-сўз бўлди. Ҳатто баъзи мусулмонлар ҳам бу фитна гирдобига тушиб қолишди. Сафардан қайтиб, касал бўлиб қолган ҳазрат Ойша ўзи ҳақидаги бўҳтонларни кейинроқ эшитди. Ғамдан яна хаста бўлгач, Расулуллоҳ ўзига илгаригидек эътибор қаратмаётганларини кўриб, у зотдан изн олиб, отаси ҳазрат Абу Бакрнинг уйига кетди. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳазрат Абу Бакр розийаллоҳу анҳо ҳам аҳли оиласи билан қаттиқ қайғуда эди. Ойша онамиз ривоят қилишича, ғийбатлар Пайғамбар алайҳиссаломни ҳам таъсирлан-тиргани, ўзини оқлаш учун нима демасин, шубҳаланиш эҳтимоли бўлгани учун Юсуф алайҳиссаломнинг бошига иш тушганида сабр қилган Яъқуб алайҳиссалом каби (Юсуф сураси, 18-оят) Аллоҳдан мадад сўрашдан бошқа чораси қолмаган эди.

Ғийбатлар чидаб бўлмас даражада ёйилиб, фитна авж олганда Нур сурасининг ушбу оятлари нозил бўлди: «Албатта, (бу) бўҳтонни (вужудга) келтирган кимсалар ўзларингиздан бўлмиш бир тўда кимсалардир. Уни (бўҳтонни) сизлар ўзларингиз учун ёмонлик деб ўйламангиз, балки у сизлар учун яхшидир. Улардан (бўҳтончилардан) ҳар бир киши учун ўзи орттирган гуноҳ (жазоси) бордир. Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимса (Абдуллоҳ ибн Убай) учун эса улкан жазо (жаҳаннам) бордир. (Эй мўминлар!) Сизлар (бу бўҳтонни) эшитган пайтингизда мўмин ва мўминалар ўзлари (бир-бирлари) ҳақида яхшилиқни гумон қилиб: “Бу аниқ бўҳтон-ку!” десалар бўлмасмиди?! Улар (Ойшани бадном қилмоқчи бўлганлар) тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Бас, агар гувоҳ келти-

ра олмасалар, демак, Аллоҳ наздида улар ёлғончидирлар. Агар сизларга дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаса эди, албатта, ошириб-тошириб сўзлаганингиз сабабли сизларни улкан жазо тутган бўлур эди. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга кўчириб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўзлар ва буни енгил фаҳмлар эдингиз. Холбуки, у Аллоҳ наздида улкан (гуноҳ)дир...» (Нур сураси, 11–20-оятлар).

Пайғамбар алайҳиссалом бу оятларни Масжидун Набавийда ўқиб бердилар ва бу жирканч бўхтонни тарқатишда иштирок этганлар Нур сурасининг 4-оятига¹ биноан жазоланди. **“Уларнинг орасидаги (гуноҳнинг) каттасини кўтарган кимса (Абдуллоҳ ибн Убай) учун эса улкан жазо (жаҳаннам) бордир”** оятига кўра, Абдуллоҳ ибн Убайга дарра уриб ўтирилмади...

Ойша розияллоху анҳо бир қанча вақт қон йиғлатган бу уйдирма ҳодисаси хайрли якун топгани, ўзи туфайли ўн оят бирданига нозил этилгани умрининг охирига қадар ҳаётининг энг шарафли дамлари бўлганини англаб етган эди.

Бу воқеа замирида бугунги кунимиз, ҳаёт тарзимиз учун қиссадан ҳиссалар талайгина. Муҳими: **“Агар мўмин бўлсангиз, сира унга ўхшаган нарсаларга қайтмаслигингизни Аллоҳ сизларга насиҳат қилур”** (Нур сураси, 17-оят) деган илоҳий эслатмадир.

Манбалар асосида
Абдулатиф ХУДОЙБЕРДИ ўғли
тайёрлади.

¹ “Иффатли аёлларни (зинокор деб) ҳақоратлаган, сўнгра (бу даъволарига) тўрт нафар гувоҳ келтира олмаган кимсаларни саксон даррадан урингиз ва абдул-абад уларнинг гувоҳликларини қабул қилмангиз! Ана ўшалар фосиқ кишилардир” (Нур сураси, 4-оят).

Сезилмайдиган жазо

Бир киши Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг ҳузурига келиб:

– Эшитишимча, ҳар бир қилинган гуноҳнинг жазоси бор. Мен кўп гуноҳ қилдим, аммо Аллоҳ мени жазоламади-ку?! – деди.

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳ деди:

– Болам! Аллоҳ сени бир неча бор жазолаган, аммо сен билмагансан:

1. У сендан муножот қилиш ҳаловатини тортиб олмадими?
2. Бир неча кун ўтса-да, Аллоҳ учун Қуръонни очиб ўқимадинг. Бу жазо эмасми?
3. Бир кеча ҳам таҳажжудга турмадинг. Бу жазо эмасми?
4. Аллоҳ сени зикридан тўсиб қўймадими?
5. Сени молни, обрўни ва шуҳратни яхши кўрадиган қилиб қўймадими?
6. Ибодат қилиш сен учун оғир бўлиб қолганини сезмаяпсанми?
7. Ғийбат, чақимчилик ва ёлғон гапириш сенга осон бўлиб қолмадими?
8. Аллоҳ сенга охиратни унуттириб, дунё ғамини чектириб қўймадими?

Шулар жазо эмасми? Аллоҳ жазоларининг энг енгили сезиладиган, билинадиган жазолардир. Оғири – сезилмайдигани. Раббимнинг қанча-қанча жазоларини кўпчилик сезмайди... Ўзи асрасин!



Ушбу воқеадан ибрат олишимиз, таъсирланишимиз учун қуйидаги байтни эслаш кифоя: **“Худо урса, овоз чиқармайди, лекин урганидан сўнг унга даво топиб бўлмайди”.**

“Тақво аҳлининг гўзал қиссалари”
китобидан

Осмоннинг ҳам ДАРВОЗАСИ БОР

«Борди-ю, уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсаг-у, ундан (осмонга) кўтарила бошласалар ҳам, “шаксиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган қавмдирмиз”, деган бўлур эдилар» (Ҳижр сураси, 14–15-оятлар).

Бирлашган Араб Амирликларида яшовчи олим, профессор Аднан Шариф инсоният тарихидаги биринчи фазогир ҳақида мақола эълон қилди. Ҳижр сурасининг 14–15-оятларини келтириб олим ёзадики, 1961 йил мусулмон бўлмаган фазогир Юрий Гагарин фазога кўтарилганда иллюминатордан боқиб, Ер сайёрасини кўрганда ҳайратланиб бундай деган эди: «Мен нимани кўряпман? Мен туш кўряпманми ёки кўзларим боғланиб қолдими?» Маълум бўлишича, бу гаплар Парвозни бошқариш марказида ёзиб олинган экан. Бу ҳақда Ғарб оммавий ахборот воситаларида кўп ёзилган. Аммо собиқ шўро давлатида бу хабар кенг ёйилмаган...

Профессор Аднан Шариф Гагариннинг шу сўзлари ёзиб олингани боис айнан уларни иқтибос қилиб келтиради. У Қуръони карим, фазо ва астронавтика билан шуғуллунадиган йирик олим.

Энди 1400 йил бурун нозил қилинган Қуръони каримга эътибор қилинг. Ҳижр сурасида: “(Улар) **унга** (Қуръонга) **иймон келтирмайдилар. Ҳолбуки, аввалгиларнинг йўллари** (тажрибадан) **ўтган эди**” (13-оят).

Оятнинг давомида: «**Борди-ю, уларга** (атеист коммунистлар) **осмондан бир дарвоза очиб қўйсаг-у, ундан** (осмонга) **кўтарила**

бошласалар ҳам, (улар): “**Шаксиз, бизларнинг кўзларимиз боғланиб қолди, балки бизлар сеҳрланиб қолган қавмдирмиз**”, деган бўлур эдилар», дейилган.

Гагарин “Мен нимани кўряпман. Туш кўряпманми ёки кўзларим боғланиб қолдими?” деган. Буюк Яратувчи бу ҳодиса қачон ва қаерда юз беришини тақдир қилган, шу боисдан бунинг ҳаммаси Ўзига аён эди. Биз бу ҳақда сўз юритаётганимизнинг сабаби ана шу исбот-далил Исломнинг ҳақ дин эканини ва Қуръони карим – Раббимизнинг Каломи эканини тасдиқлайди.

Ушбу воқеа икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони фазогир-учувчи Поповичга сўзлаб берилганида, у бундай деган эди: «Ана шу тарихдан мени энг қизиқтиргани қайси, биласизми? Парвардигорнинг: “**Уларга осмондан бир дарвоза очиб қўйсаг...**” деганидир. Бу каломнинг ажиб жиҳати, олимлар ўша осмон дарвозасини топиш учун жуда кўп ҳисоб-китоб ишларини олиб борган». Бир қарашда осмон очикқа, сиз истаган томонингиздан фазога кўтарилиб кетаверишингиз мумкинга ўхшайди. Аммо космик кемалар битта дарвозадан учиб чиқади ва битта дарвозадан қайтиб тушади. Лаҳзасига 11 km тезликда учадиган ракета бошқа жойга бориб урилиб ёниб кетмаслиги ёки нотўғри ҳаракати оқибатида қайтариб фазовий бўшлиқ қаърига улоқтириб юборилмаслиги учун юзлаб ҳисоб-китоб ишлари олиб борилган. Тарихда ана шу ҳодисанинг иккиси ҳам юз берган.

Бундан ташқари, Торик сурасининг 11-оятда: “**Қасамёд этаман ёмғирли осмон билан**”, дейилади. Биз бугун XXI асрга келибгина ушбу оятнинг мазмунини идрок этяпмиз. Уяли алоқалардан қанчалаб сигналлар кўтарилади ва қайтиб келади. Альфа-, бета-, гамма-нурланишлари билан ҳам худди шундай ҳодиса юз беради – улар бизнинг сайёрамызга тушмасдан фазога қайтиб кетади. Демак, осмон ўзига қайтариб олиш хусусиятига эга. Шунинг учун ҳам дарвозага тўғри йўналмасдан қайтган космик кема ёниб кетади. Бундан муваффақиятли парвоз этиш ва эсон-омон қайтиб келиш учун Қуръони каримда зикр этилган ҳисобни аниқ олиш кераклиги аён бўлади.

Ясман БУШИР.
Дамин ЖУМАҚУЛ таржимаси.

“Нуриддин” шифохонаси мусулмон оламидаги энг машхур тиббий марказлардан бири бўлган. Баъзан бу шифохона “Нурий” деб ҳам аталган. Дамашқ шаҳрининг марказида жойлашган учта машхур шифохонадан биридир (Allen, Terry (1999)).

“Нуриддин” шифохонаси

Шифо масканини 1154 йилда машхур ҳукмдор Нуриддин Занжий бунёд эттирган. Мисрлик тарихчи Мақризийнинг ёзишича, Нуриддин Занжий европалик қироллардан бирини асир олган. Қирол ўзини озод қилиш учун товон пули тўлаган. Шифохона ўша маблағ эвазига қурилган (*Бимаристан Нур ад-Дина Занги – древнейшая сохранившаяся мусульманская больница*). Ўшанда қирол тўртта қалъа ва 500 000 динор берган. Нуриддин бу тўловни Дамашқда ўзининг номи билан аталадиган шифохона қуриш учун ишлатишга қарор қилади.

Ушбу даволаш маскани дунёдаги энг машхур тиббиёт масканларидан бирига айланади. Унга кўплаб тиббий китоблар вақф қилинади. 20 нафар шифокор 1300 нафар беморга хизмат кўрсатади. Мамлуклар султони Қалавун ҳам бу ерда оғир хасталикдан шифо топиб, юрти Қоҳирага қайтгач, “Нуриддин” шифохонаси каби мажмуа бунёд эттирган (*Бимаристан Нур ад-Дина Занги – древнейшая сохранившаяся мусульманская больница*).

Шифохонада мураккаб жарроҳлик амалиётлари олиб борилиши билан бирга илмий тажрибалар ўтказиладиган лаборатория ҳам бўлган. Дунёнинг турли бурчакларидан келган олимлар янги дори-дармонлар устида ишлаганлар. Тарихчи Ибн Абу Усайба ушбу шифохона фаолиятини қуйидагича тавсифлайди: “Барча беморлар аввал ташқи айвонда текширилган. Дарди енгил беморларга дорилар берилиб, уйларида кузатилган; оғир касаллар олиб қолинган”.

XII аср сайёҳи Ибн Жубайр бундай дейди: «“Нуриддин” Дамашқдаги энг йирик ва энг кўп ташриф буюриладиган шифохонадир. Даволаш маркази назорати остида беморнинг исми, зарур дори-дармон воситаси, озиқ-овқат маҳсулоти ва шунга ўхшаш зарурий сарф-харажатларни белгилайдиган

бўлим бор. Шифокорлар эрта тонгда касалларни текшириш ва ҳар бирига дори-дармон ва озиқ-овқат маҳсулотини тайёрлашга буюртма бериш учун келишади”».

Ибн Жубайр сафари давомида, хусусан, “Нуриддин” шифохонасини “Ислом

улуғворлигининг далилларида бири” деб атаган.

Халил ибн Шоҳин Зоҳирий “Зубда кашфул мамолик” китобида Дамашқда “Бутун дунёда тенги йўқ шифохона”ни кўрганлини ёзади. У 1428 йилда шаҳарга ҳамроҳи билан ташриф буюргани ҳақида бундай дейди: “Менга бир форс ҳамроҳ бўлди. У Нурий шифохонасида берилаётган озиқ-овқат, хизмат ва қулайликларни кўргач, ўзини касалга солиб, шифохонага ётди. Шифокор ҳар куни унинг юрак уришини ўлчади. Турли гўшт, ёғли товук, ширинлик, ичимлик ва сархил мевалардан иборат парҳезни тайинлади. Лекин унга шифохонада уч кундан ортиқ қололмаслиги битилган қоғозни ташлаб кетади”.

Бугунги кунгача сақланиб қолган шифохона биноси архитектура дурдонаси ва Дамашқнинг диққатга сазовор жойларидан бири ҳисобланади. У 1975 йилда қайта тикланган ва ҳозирда унда араб тиббиёти ва фанлари музейи жойлашган. Энг машхур араб табиблари, жумладан, Ибн Нафис ва Ибн Абу Усайба шу даргоҳда фаолият юритган.

Манбалар асосида **Мунаввар РУСТАМ қизи** тайёрлади.



Тарихи Муҳаммадий

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.)

БАДР ҒАЗОТИ

Аларнинг энг биринчиси шулдурким, ҳар одам ўз эрк ва ихтиёрига эга бўлмоқдур. Ўзида эрки, қўлида ихтиёри йўқ одамларнинг ҳайвондан нима фарқлари бордур?

Иккинчиси шулки, шаръий ёки қонуний касблар орқали топган молу дунёси, қилган меҳнатининг меvasи шул топгувчининг ўз ҳақи бўлиб, анинг хос мулкидур.

Учинчиси шулки, ҳар бир миллатнинг ҳақиқий онаси – миллатнинг туғилиб ўсган, ота-бобосидан мерос қолган Ватанидур. Она Ватанни бошқалар тасарруфига қолдирмоқ Ватан авлодларининг кечирилмас оғир жиноятларидур, балки инсон ҳақларига қилган хиёнатидур.

Тўртинчиси шулки, ҳар мамлакат халқининг асрлар бўйи асралиб келаётган муқаддас динларидур.

Энди бу юқорида ёзилмиш тўрт нарсага эга бўлмоқ учун ҳар миллатнинг бутун ҳақлари шу миллатнинг ўз қўлида бўлиши шартдур. Бу иш эса ҳаётнинг кураш майдонларида душманлари узра ғалаба

қозонмоқ билан қўлга келур. Шунинг натижасида у миллатнинг ҳокимияти ўз қўлида сақланур. Ана шундагина бутун ҳақларини ўзлари ҳимоя қила олгайлар. Агар бундоғ бўлмай, иш тескарисига айланиб, мағлубият балосига қолсалар, асо-рат ва маҳкумият занжири билан банд бўлиб, душман қўлида қолсалар, ул чоғда инсоният ҳақларидан бутунлай ажраб, юқорида айтилмиш тўрт қимматли нарсанинг бирига ҳам эга бўлмайдилар. Балки ҳайвонлар қаторидан ҳам тубанроқ тушадилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтган бу ваъзларининг сирлари озроққина ўйлаб қараган ҳар қандоқ кишига очик маълумдур.

Яна ўз сўзимизга келайлик. Кофир ва му-сулмон икки тараф бўлиб, саф боғладилар. Ўшал замоннинг уруш одатлари бўйича Қурайш кофирларидан уч одам майдонга кирди. Биринчи – Утба ибн Рабиъа, ик-кинчиси – унинг иниси Шайба, учинчиси – ўғли Валид эрди. Булар туриб, мубора-зат кўрсатдилар. Яъни, мусулмонлардин майдонга чиқсун деб, ўзларига баҳодир чақирдилар. Мусулмонлардин уч киши аларга қарши майдонга тушди. Биринчи – Муаввиз, иккинчиси – Муъоз, учинчиси Авф эрди. Булар ансорий саҳобалардин бўлиб, учовлари бир туғишган қариндош эдилар. [“Зодул-маод”да майдонга туш-ганлар Абдуллоҳ ибн Равоҳа, Авф ва Му-аввиздир] Алар билан қарши келишиб кў-ришганларида:

– Қайси қабиладан бўласиз? – деб сў-роқладилар.

– Бизлар ансорийлардин бўламиз, – деб жавоб бердилар. Анда улар:

– Сизлар яхши тенгдошлар экансиз, ле-кин биз ўз уруғимиз хошимийлар билан майдон тутмоққа хумормиз. Бизга шу-лардин чиқсун, – дейишди. Буни англаб, учовлари Расулulloҳ қошларига келиш-ди. Пайғамбаримиз хошимийларга қараб айтдилар:



– Ислом дини – Аллоҳнинг ёқиб қўйган чироғидир. Бу кофирларнинг мақсадлари шу чироқни ўчиришдур. Эй Убайда, эй Ҳамза, эй Али, уловинглар турунглари! – деб фармон бердилар. Булар ҳам жавлон уриб, дарҳол майдонга отилишди. Қарши-қаршига келиб қарасалар ҳам, бир-бирларини таниша олмадилар. Чунки у замондаги уруш одатича, совут ва дубулға кийган кишиларнинг кўзларидан бошқаси кўринмас эди. Насаб сўрашиб, танишган сўнгида, ҳар икки тарафдин олти баҳодир қаршилашдилар. Убайда – Утбага, Ҳамза – Шайбага, Али – Валидга тўғри келишди. Булар ичида барчадин ҳазрат Убайданинг ёши улуғроқ бўлиб, Пайғамбаримиздан ўн ёш чўнг эди. Энди бу баҳодирлар икки тараф кўшинларининг кўз олдиларида бир-бирларига ҳамла қилишди. Энг аввал қилич солиб, қаршидаги душманни енгган – ҳазрат Али эди. Бир қилич уриб эрди, оёғи кесилди, иккинчи қилич солиб ўлдирди. Амир Ҳамза ҳеч қанча ҳаял ўтказмай, Шайбага ғалаба қозонди. Аммо ҳазрати Убайда билан Утба бир-бирларига қилич солишиб, ҳар икковлари ҳам оғир яраландилар.

Уруш бошланиши мусулмонларнинг енгishi билан бўлганидан аҳли Ислом руҳи кўтарилди. Уч баҳодирлари майдонда ўлдирилиб, душман руҳи тушди. Дарҳол ҳазрат Убайдани орқалашиб, Расулуллоҳ олдиларига келтирдилар. Оёқлари қилич зарбидан кесилиб, иликлари оқиб турмоқда эди. Расулуллоҳнинг муборак қадамларига юзини қўйиб:

– Ё Расулаллоҳ! Шу жароҳатим билан ўлсам, шаҳидлик даражасини топгайманму? – деб сўради. Анда Расулуллоҳ:

– Гувоҳлик берурман, Аллоҳ таоло шаҳидлик даражасини албатта сенга ато қилгай, – деб башорат бердилар. Уруш тугаб, Мадинага қайтишларида Саффо деган қишлоққа келганда вафот топиб, шунда дафн қилинди. Бу киши Худо учун муборазат майдонида жон бериб, шаҳодат топган Ислом баҳодирларининг биринчиси эди (Худо ундан рози бўлсин).

Сўнгра Расулуллоҳ тепа устига қурилган жойларидан тушиб, аскарларга қараб айтдиларки: – Мендин буйруқсиз душманга ҳужум қилмагaysиз. Агар сизлардин илгари улар ҳужумга ўтсалар, яқинлашиб келгунларича аларни ўққа тутинглари. Бу иш душман кучини синдириб, орқага чекинтиргай. Агар устингизга етиб келсалар, у ҳолда қилич суғуриб, қарши ҳужумга ўтинглари, ҳар ким урушда чидамлилиқ қилур эрса, зафар унинг билан бўлур. Уруш сафида сабр қилгувчиларга Аллоҳ ёрдам берур. Бу сўздин сўнгра ҳазрат Абу Бакр Сиддиқ билан ўз ўринларига ёндилар. Бу орада уруш ҳам қизигали турди. Анда Пайғамбаримиз шу дуони ўқидилар:

اللَّهُمَّ أَنْشِدْكَ عَهْدَكَ وَوَعْدَكَ، اللَّهُمَّ إِنْ
ظَهَرُوا عَلَى هَذِهِ الْإِصَابَةِ ظَهَرَ الشَّرْكُ وَلَا
يَقُومُ لَكَ دِينٌ.¹

“Аллоҳумма уншидука аҳдака ва ваъдака, Аллоҳумма ин заҳару ало ҳозиҳил исобати заҳараш-ширку вало яқуму лака дин”.

Маъноси: “Эй Бори Худоё, мўминларга нусрат берурман, деб ўзинг ваъда қилган эдинг. Энди шу ваъдага вафо қилмоқни Сендин талаб қилурман. Агар шу кунги урушда кофирлар ғалаба қилиб, мусулмонлар енгилсалар, куфр ривож топгай, ер устида ҳақ дин бош кўтара олмагай”, демакдур.

Бу дуодин сўнгра бирор соат ўтмасдан, душман аскари бузилиб, орқа ўгириб қочгали турдилар. Аллоҳ таоло мўминларга фаришталар орқали ёрдам етказди. Қурайш ва бошқалардин бўлиб, душман тарафидин етмиш киши ўлдирилди. Яна шу баробаринда етмиш киши асир олинди. Мусулмонлар Аллоҳнинг ёрдами билан ўзларидан уч баробар ортиқ душманларни енгдилар.

Алихонтўра СОҒУНИЙнинг
“Тарихи Муҳаммадий” асарида

Давоми бор...

¹ Имом Бухорий. Тафсиру сура (6) 54.

Грузия мусулмонлари

Ислом Грузияга милодий VII асрда кириб келган. Тбилиси эса бир неча аср давомида Тифлис амирлигининг пойтахти бўлган. 1121 йилда Давид Агмашенбели Дидгоридаги жангда ғалаба қозониб, уни салжуқийлардан қайтариб олади. XV–XVII асрларда эса Грузия худуди турклар ва форслар қўл остида бўлган. Аини пайтда ёнма-ён яшайдиган Доғистон мусулмонлари ҳам картвел (грузин қабилаларининг қадимги номи) ўлкасида Ислом дини ёйилишига таъсир кўрсатади.

Натижада грузин халқи таркибида бир нечта исломий субэтностлар (катта халққа мансуб одамларнинг кичик жамияти) пайдо бўлган.

Ажарликлар. Батуми атрофидаги кичик вилоят – Ажарда яшайди. XVI асрда Исломни қабул қилишган.

Ингилойлар. Грузинларнинг Озарбайжон ва Грузия туташган жойда яшовчи кичик этноси. Саингило, шунингдек, Херети деб ҳам аталади. Кўпчилик ингилойлар Исломга доғистонликлар таъсирида кирган.

Фарайданлар. XVII аср бошларида форс шоҳи Аббос томонидан арманлар билан бирга грузинларнинг катта субэтнос авлоди (юз минг киши) Форс диёрига олиб кетилган. Фарайдан грузинлари машҳур Исфаҳон шаҳри яқинидаги Фарайдан вилоятида яшайди.

Лазлар. Улар (икки юз мингдан ортиқ киши) Туркия шарқи ва Ажариянинг бир неча қишлоқларида яшайди, сунний мазҳабида.

Чвенебурилар. Чвенебури – сўзма-сўз таржима қилинса, “бизники” дегани. XIX асрда

муҳожир сифатида усмонийлар империясига кўчиб ўтишган. 300 минг киши атрофида бўлган чвенебурилар ўзларини туркча сўз билан “туржи” деб аталишини ёқтиришади.

Имерхевлар. Имерхеви вилоятининг грузин тилида сўзлашувчи аҳолиси. Туркия томонда, ажарларга яқин ҳудудда яшайди.

Аҳиска турклари. Улар аҳалсиз турклари. Асли Грузия жанубидаги Месхети вилоятининг Алахсиха (Янги қалъа, туркчада Аҳиска) шаҳри яқинидан. Улар Ислом динига эътиқод қилишса-да, грузинларнинг урф-одатларига амал қилади, кавказликларнинг миллий кийимларини кийишади.

Грузиянинг қарийб 10 фоиз аҳолиси мусулмон, мамлакатда 250 та масжид бор.



Дамин ЖУМАҚУЛ
тайёрлади.